

*Судьянинг онгида - адолат, тилида - ҳақиқат,  
дилида - поклик бўлиши шарт.*

*Шавкат МИРЗИЁЕВ*

**9/2021**

ISSN 2181-8991

# ОДИЛ СУДЛОВ

Ҳуқуқий, илмий-амалий нашр

**Муассис:**  
**Ўзбекистон Республикаси**  
**Олий суди**

## **ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**

*Козимджан КАМИЛОВ  
Робахон МАХМУДОВА  
Ҳалилillo ТУРАХУЖАЕВ  
Икрам МУСЛИМОВ  
Бахтиёр ИСАКОВ  
Холмўмин ЁДГОРОВ  
Мирзоулуғбек АБДУСАЛОМОВ  
Ибрагим АЛИМОВ  
Олим ХАЛМИРЗАЕВ  
Замира ЭСАНОВА  
Омонбой ОҚЮЛОВ  
Музаффаржон МАМАСИДДИҚОВ*

© Реклама нашри ва тижорий йўл билан босилган матнлар.

Таҳририят фикри муаллиф фикридан ўзгача бўлиши мумкин.

Кўлёмалар, суратлар тақриз қилинмайди ва қайтарилмайди.

Кўчириб босилганда «Одил судлов» – «Правосудие» нашри кўрсатилиши шарт.

Журнал Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2013 йил 30 декабрдаги 201/3-сонли қарори билан докторлик диссертациялари бўйича илмий мақолалар чоп этиладиган нашрлар рўйхатига киритилган.

2021 йил 27 июлда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0026-рақам билан рўйхатга олинган. 1996 йилдан чиқа бошлаган.

## **Бош муҳаррир**

*Камол УБАЙДИЛЛОЕВ*

## **Масъул котиб**

*Муталиф СОДИҚОВ*

*Журнал 2015 йилда «Жамият ва мен» республика танловида «Энг яхши ёритилган ҳуқуқий мавзулар» йўналиши бўйича голиб деб топилган.*

## **ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:**

100097, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани,  
Чўпонота кўчаси, 6-уй  
Х/р 20210000300101763001  
ХАБ «Трастбанк» Тошкент филиали  
МФО 00850, СТИР 201403038

**ТЕЛЕФОН:** 278-96-54, 278-91-96,  
278-25-96, **ФАКС:** 273-96-60

**Email:** odilsudlov.oliy@sud.uz

**Веб-сайт:** www-odilsudlov.sud.uz

Босишга 2021 йил 16 сентябрда рухсат этилди. Қоғоз бичими 60X84 1/8. 10 босма табок. Офсет усулида чоп этилди. Журнал таҳририят компютерида терилди ва саҳифаланди. Буюртма –13. Нашр адади 4010 нусха.

## **Навбатчи муҳаррир**

*Муталиф СОДИҚОВ*

**НАШР ИНДЕКСИ – 909**

Сотувда келишилган нархда

«НАКИМА NASHR GROUP» МЧЖ  
босмахонасида чоп этилди.  
Босмахона манзили: 100 057,  
Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани  
Ифтихор кўчаси, 117-уй

<b>ТАБРИКЛАЙМИЗ</b> .....	3
<b>СУД-ҲУҚУҚ ИСЛОҲОТЛАРИ</b> <b>Р. Маҳмудова.</b> Ўзбекистон Республикаси «Судлар тўғрисида»ги Қонунининг янги таҳрири.....	6
<b>МУНОСАБАТ</b> <b>Д. Қурбонов.</b> Ҳуқуқий давлатда қонунийлик.....	9
<b>ДОЛЗАРБ МАВЗУ</b> <b>Г. Убайдуллаева.</b> Интернет орқали тузиладиган ташқи иқтисодий битимларга оид муносабатлар.....	12
<b>ҲУҚУҚИЙ МОНИТОРИНГ</b> <b>Р. Сайидов.</b> Ҳуқуқий мониторинг объекти ва субъектлари доирасининг юридик табиати.....	16
<b>ЖАРАЁН</b> <b>К. Авезов.</b> Келишув битими ёхуд медиатив келишув: қай бири афзал?.....	20
<b>АКТ ВА СУД ЖАРАЁНИ</b> <b>Б. Кенжаев.</b> Иқтисодий суд ишларини рақамлаштириш зарурати.....	27
<b>ЧЕТ ЭЛ АМАЛИЁТИ</b> <b>З. Нурматов.</b> Хорижий мамлакатларда жиноят қонунининг вақт бўйича амал қилиши.....	29
<b>СУД ҲОКИМИЯТИ ВА НОРМА ИЖОДКОРЛИГИ</b> <b>Д. Арипов.</b> Суд ҳокимиятининг норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш истиқболлари.....	32
<b>МЕРОС</b> <b>М. Ражабова.</b> Абу Юсуфнинг «Хирож» асари – Ислом (Ҳанафийлик мазҳаби) ҳуқуқига оид илк ҳуқуқий манба.....	39
<b>СУД ОЧЕРКИ</b> <b>Қ. Исаров, М. Ворисова.</b> «Ер савдогарлари»нинг қилмишлари.....	44
<b>ЮРИСТ КАРТОТЕКАСИ/КАРТотеКА ЮРИСТА</b> .....	79

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
2021 ЙИЛ 26 АВГУСТДАГИ «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЎТТИЗ ЙИЛЛИГИ  
МУНОСАБАТИ БИЛАН ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАР ВА ҲУҚУҚНИ  
МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИДАН БИР  
ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ФАРМОНИГА  
МУВОФИҚ ҚУЙИДАГИ ҲАМКАСБЛАРИМИЗ ФАХРИЙ УНВОН,  
ОРДЕН ВА МЕДАЛЛАР БИЛАН МУКОФОТЛАНДИЛАР**

«Ўзбекистон Республикасида хизмат  
кўрсатган юрист» фахрий унвони билан



**Камилов Козимджан  
Фазилович –**  
*Ўзбекистон Республи-  
каси Олий судининг  
раиси*



**Махкамов Абдукаюм  
Махкамович –**  
*Қашқадарё вилоят  
судининг раиси*

«Содиқ хизматлари учун» медали билан



**Бобоқонова Нодира  
Алоқонова –**  
*Ўзбекистон Республи-  
каси Судьялар олий  
кенгашининг судьяси*



**Камолов Шухрат  
Маратович –**  
*Фаргона вилоят  
судининг раиси*



**Миралимов Бахтиёр  
Дехқонбоевич –**  
*Тошкент вилояти  
жиноят ишлари  
бўйича Янгийўл туман  
судининг раиси*



**Турабов Акбарали  
Шодиевич –**  
*Тошкент шаҳар суди  
раисининг ўринбоса-  
ри – жиноят ишлари  
бўйича судлов  
ҳайъати раиси*



**Турсунов  
Салохитдин  
Абдурахимович** –  
*Бухоро вилояти  
маъмурий  
судининг раиси*



**Худойбердиев  
Азамжон  
Хамракулович** –  
*Сирдарё вилоят  
судининг раиси*

**«Шухрат» медали билан**



**Аяпов Абатбай  
Конисбаевич** –  
*Қорақалпоғистон  
Республикаси  
судининг фуқаролик  
ишлари бўйича  
судьяси*



**Баракабаев Ойбек  
Аъзамжонович**  
– *Андижон вилоят  
маъмурий судининг  
судьяси*



**Исмоилов Отабек  
Абдурахмон ўғли** –  
*Ўзбекистон Респуб-  
ликаси Олий суди  
Суд-ҳуқуқ соҳасидаги  
қонунчиликни таҳлил  
қилиши бошқармаси  
бошлиги*



**Йўлдошева  
Мавсума  
Шарофовна** –  
*Хоразм вилоят  
судининг фуқаролик  
ишлари бўйича  
судьяси*



**Кудратов Азиз  
Изатуллаевич** –  
*Жиззах вилояти  
Жиззах туман-  
лараро иқтисодий  
судининг раиси*



**Ражабов  
Тўхтамурод  
Мустафоевич** –  
*Наманган вилояти  
фуқаролик ишлари  
бўйича Учқўрғон  
туманлараро судининг  
раиси*



**Рахимова Хадича  
Жалиловна –**  
Сурхондарё вилоят  
маъмурий судининг  
судьяси



**Хонбўтаева Дилноза  
Усмоналиевна –**  
Навоий вилояти жи-  
ноят ишлари бўйича  
Зарафшон шаҳар  
судининг раиси



**Чиниев Хабибулла  
Абдумунинович –**  
Самарқанд вилояти  
жиноят ишлари  
бўйича Пастдаргом  
туман судининг  
раиси



**Чориев Джамол  
Жахонович –**  
Бухоро вилоят  
судининг фуқаро-  
лик ишлари бўйича  
судьяси



**Шамсутдинова  
Анжелика  
Алексеевна –**  
Тошкент шаҳар  
судининг жиноят  
ишлари бўйича  
судьяси



**Шаропов Нодирбек  
Юнусович –**  
жиноят ишлари  
бўйича Бухоро шаҳар  
судининг раиси

*Президентимизнинг Фармонига биноан юксак мукофот билан тақдирланган ҳамкасбларимизни чин юракдан табриклаймиз. Шунингдек, яна бир гуруҳ судья ва суд тизими ходимлари ҳам «Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 30 йиллиги» кўкрак нишони билан тақдирландилар. Ушбу ҳамкасбларимизни ҳам муборакбод этамиз!*



## «СУДЛАР ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУННИНГ ЯНГИ ТАҲРИРИ

Маълумки, адолатли суд ҳокимияти бўлган жойда қонун ва адолат тамойиллари устувор бўлади ва бу мақсад йўлида, энг аввало, суд ҳокимияти мустақиллиги, суд жараёни иштирокчиларининг тенг ҳуқуқлилигини таъминлаш, одил судловга эришиш даражасини ошириш соҳадаги ислохотларнинг устувор вазифаларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг ташаббуси билан мамлакатда қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини рўёбга чиқариш ва жамиятда адолатни қарор топтиришда одил судлов алоҳида ўрин тутишини эътиборга олган ҳолда, сўнгги беш йилда суд-ҳуқуқ соҳасини тубдан ислоҳ этишга қаратилган кенг қамровли ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар амалга оширилди.

2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари доирасида суд-ҳуқуқ соҳасини такомиллаштириш, жумладан, соҳада йиллар давомида ечим топмаган муаммоли масалаларни ҳал қилиш борасида ўндан ортиқ Президент фармонлари ва қарорлари ҳамда Парламент томонидан одил судлов сифати ва самарадорлигини оширишга қаратилган учта кодекс янгидан қабул қилиниб, қатор қонунларга тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди, шунингдек бу йўналишдаги устувор масалалар юзасидан 40 дан ортиқ қонун, фармон ва қарорлар қабул қилинди.

Қабул қилинган ҳужжатлар асосида суд-ҳуқуқ соҳасида фуқароларнинг ҳуқуқ ва ко-



**Робаҳон МАХМУДОВА,**  
**Ўзбекистон Республикаси**  
**Олий суди раисининг**  
**биринчи ўринбосари**

нуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш даражасини ошириш, одил судловдан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш, суд тизимини такомиллаштириш борасида муҳим ислохотлар, ташкилий-ҳуқуқий, тузилмавий, институционал ўзгартиришлар амалга оширилди.

Бу борадаги ижобий ўзгаришлар БМТнинг Судьялар ва адвокатлар мустақиллиги масаласи бўйича махсус маърузачиси Диего Гарсия-Саян томонидан ҳам эътироф этилди.

Суд тизимида амалга оширилган ислохотлар халқаро рейтинг ва индексларда ҳам мамлакатимиз нуфузига ижобий таъсир қилмоқда.

Жумладан, яқинда халқаро Мерос жамғармаси тадқиқот маркази томонидан «Иқтисодий эркинлик индекси – 2021» ҳисоботи

эълон қилинди. Унда Ўзбекистон 186 та мамлакат орасида 58,3 балл билан 108-ўринни эгаллади. Сўнги ҳисоботга кўра, мамлакат рейтинги 1,1 баллга яхшиланиб, 6 поғонага кўтарилган. Шу билан бирга, охириги тўрт йилда 44 та ўрин (152-ўридан 108-ўринга) юқорилади<sup>1</sup>.

Эътиборлиси, ушбу рейтингдаги мамлакатнинг ўрни асосан суд фаолияти самарадорлигига эришганлиги натижасида яхшиланган, яъни ушбу кўрсаткич энг юқори 16,6 баллга кўтарилган.

Бундай натижаларга эришилишида, албатта, соҳада амалга оширилган ислоҳотлар ҳамда қабул қилинган қонунлар муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Мамлакатимизда суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилган ислоҳотларни инобатга олган ҳолда таъкидлаш керакки, Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган «Судлар тўғрисида»ги 924–XII-сонли амалдаги Қонуни (Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрда қабул қилинган Қонуни таҳририда) мустақилликнинг дастлабки йилларида ишлаб чиқилган бўлиб, мазкур Қонун «ўтиш даври»нинг кенг қўламли ўзгаришларини ҳуқуқий тартибга солишда муҳим роль ўйнади ва мамлакатда қонун устуворлигини таъминлаш, одил судловни амалга ошириш борасида мустаҳкам ҳуқуқий замин яратишга имкон берди.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси ривожланишининг янги босқичи қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишга йўналтирилган суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини мустаҳкамлаш, одил судлов самарадорлигини ошириш бўйича устувор вазифаларни белгилаб берди.

Ҳаётий ижтимоий-иқтисодий муносабатлар ва илғор халқаро стандартлар талабларига жавоб берадиган, тўғридан-тўғри амал қиладиган замонавий суд қонунчилигини шакллантирмасдан туриб ушбу вазифаларга эришиб бўлмайди.

Бунда, «Судлар тўғрисида»ги Қонуннинг

амалда бўлган таҳририга 2001 йилдан бошлаб 19 марта концептуал ўзгартиришлар киритилган, шу билан бирга, унда суд тизимидаги ислоҳотлар, чуқур ўзгаришлар тўлиқ акс эттирилмаган ва у одил судлов соҳасидаги халқаро стандартларга, замонавий талабларга жавоб бермай қолган эди.

Шу сабабли, мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг мантикий давоми сифатида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 июлдаги «Судлар фаолиятини янада тақомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ижросини таъминлаш юзасидан янги таҳрирдаги «Судлар тўғрисида»ги Қонун ишлаб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси «Судлар тўғрисида»ги Қонунининг янги таҳрири Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси томонидан 2021 йил 15 июнда қабул қилинди, Сенат томонидан 26 июнда маъқулланди ҳамда 2021 йил 28 июлда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан имзоланди.

Қонуннинг асосий мазмун-моҳияти қуйидагиларга қаратилган:

*биринчидан*, суд тизимида амалга оширилган ташкилий-тузилмавий ўзгаришлар Қонунда акс эттирилди. Хусусан, вилоят ва унга тенглаштирилган судларнинг ягона судга бирлаштирилганлиги ва маъмурий судлар тизимидаги ўзгаришларга оид нормалар назарда тутилди;

*иккинчидан*, одил судловнинг Қонундаги асосий принциплари қайта кўриб чиқилди. Яъни, у қонунийлик, одил судловни амалга оширишда малакали юридик ёрдам, суд ҳужжати устидан шикоят қилиш ҳуқуқи каби янги асосий принциплар билан тўлдирилди ва амалдагиларига таҳририй ўзгартишлар киритилди;

*учинчидан*, суд ҳужжатларининг қонунийлигини, асослигини ва адолатлигини қайта кўриш тартиби илғор хорижий тажриба асосида такомиллаштирилди. Хусусан, суд ишларини назорат тартибида кўриш институти тугатилиши муносабати билан Олий

суд Пленумининг, Раёсатининг, барча судларнинг ваколатлари, таркибларига тегишли ўзгартишлар киритилиб, амалга ошириладиган ислоҳотларга мувофиқлаштирилди;

*тўртинчидан*, судьяларнинг мақоми, уларнинг мустақиллиги кафолатлари кучайтирилди. Яъни, судьяларнинг ахборот-коммуникация технологиялари тизимидан фойдаланиш борасидаги ҳуқуқлари кенгайтирилди. Судьяларнинг мажбуриятлари «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги Қонун, Судьяларнинг одоб-ахлоқ кодекси талабларига мувофиқлаштирилди;

*бешинчидан*, судьялик лавозимига номзодлар ва судьялик лавозимига тайинладиган, сайланадиган шахсларга нисбатан қўйиладиган талаблар халқаро стандартларга мувофиқлаштирилди. Хусусан, судьялик лавозимига номзод бўлиши мумкин бўлмаган шахслар доираси белгиланиб, иш стажлари бўйича талаблар қайта кўриб чиқилди;

*олтинчидан*, судьялар, суд раислари ва раис ўринбосарларини тайинлаш (сайлаш) тартиби такомиллаштирилган ҳолда белгиланди;

*еттинчидан*, судьянинг интизомий жавобгарлиги, интизомий ишни кўзғатиш ва кўриб чиқиш тартиби унинг ҳуқуқ ва манфаатларини эътиборга олган ҳолда қайта кўриб чиқилиб, унинг мақомига мослаштирилди. Бунда, судьяга нисбатан интизомий иш фақат судьяларнинг тегишли малака ҳайъатлари томонидан кўзғатилиши назарда тутилди. Судьяга нисбатан қўлланиладиган интизомий чоралар тури кенгайтирилди. Судьяга интизомий жазо чораларини қўллаш тўғрисидаги қарор устидан шикоят қилиш ҳуқуқи берилди;

*саккизинчидан*, судьялар ваколатларини тўхтатиб туриш, шунингдек тугатиш асослари ва тартиби янада аниқлаштирилди. Судьянинг ваколатларини тўхтатиш асослари кенгайтирилиб, судьяга нисбатан жиноят иши кўзғатилган бўлса ёки судья давлат ҳокимияти вакиллик органлари сайловида депутатликка номзод сифатида иштирок этаётган тақдирда судьянинг ваколатлари тўхтатилиши белгиланди;

*тўққизинчидан*, судьяларнинг моддий

таъминоти ва уларни ижтимоий ҳимоя қилиш чоралари кучайтирилди.

Шунингдек, илк бор «Ҳарбий судлар фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги, «Судьяларнинг малака даражалари тўғрисида»ги ва «Суд тизими ходимларининг мансаб даражалари тўғрисида»ги низомлар Қонун билан тасдиқланди.

Ўзбекистон Республикаси «Судлар тўғрисида»ги Қонунининг янги тахрирда қабул қилиниши:

– суд-ҳуқуқ соҳасида сўнгги йилларда амалга оширилган ислоҳотларни қонун билан мустаҳкамлашга;

– судьяларнинг мустақиллигини тўлиқ таъминлашга қаратилган кафолатларни янада кучайтириш, судьялар мақомининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга;

– фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини самарали ҳимоя қилиш, бунга тўсқинлик қилувчи ҳуқуқий бўшлиқларни тўлдиришга;

– одил судловга оид ҳуқуқий нормаларни халқаро стандартларга мослаштириш, бу борадаги халқаро ҳужжатлар нормаларини миллий қонунчиликка имплементация қилинишига;

– суд ҳокимияти билан боғлиқ масалаларни қонуности ҳужжатлари билан тартибга солиш амалиётини бекор қилишга, одил судлов самарадорлигини оширишга;

– суд мустақиллиги, қонун устуворлиги ва одил судлов самарадорлиги бўйича халқаро рейтингларда мамлакатимиз нуфузи ошишига хизмат қилади.

Бундан ташқари, Қонунда БМТнинг Судьялар ва адвокатлар мустақиллиги масаласи бўйича махсус маърузачиси Диего Гарсия-Саяннинг 2019 йил 19 – 25 сентябрь кунлари Ўзбекистонга амалга оширган расмий ташрифи якунларига доир маърузасида берилган тавсиялари инobatга олинган ҳолда нормалар баён этилди. Бу ҳам мамлакатимизнинг халқаро ҳамжамият олдидagi мажбуриятлари бажарилишига ҳисса бўлиб қўшилади.

<sup>1</sup> <https://mineconomy.uz/uz/news/view/3524>



## ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТДА ҚОНУНИЙЛИК

Ўзбекистонда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислохотларининг энг муҳим вази-фаси инсоннинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларининг самарали муҳофаза этилишини таъминлаш ҳисобланади.

Мустақиллик йилларида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолиятида қонунийликни таъминлаш, инсон ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилишнинг энг муҳим кафолати сифатида суд ҳокимиятининг нуфузини мустаҳкамлаш, судларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш, шунингдек адвокатура органлари фаолиятининг самардорлигини ошириш ва уларнинг демократик ҳуқуқий давлат, кучли фуқаролик жамиятини барпо этишдаги ролини кучайтириш борасида муҳим ишлар амалга оширилмоқда.

Демократик жамият куриш учун мамлакатда қабул қилинаётган қонунлар адолатли бўлиши, ўзида халқ манфаатларини ифода этиши шарт. Қонунларга оғишмай итоат этилсагина, жамиятда демократия қарор топади ва мустаҳкам бўлади, чунки барча демократик институтлар, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари қонун воситасида жорий этилади. Демократик жамиятнинг энг муҳим белгиларидан бири жамият аъзоларининг қонун олдида тенглиги, Конституция ва қонунларнинг устуворлиги таъминланганлигидир.

«Ҳуқуқий давлат» тушунчаси «демократик давлат» тушунчаси билан чамбарчас боғлиқдир. Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, демократик, ҳуқуқий давлат куч билан эмас, балки тадрижий йўл билан барпо этилади.

Ҳуқуқий демократик давлатда қонунийликнинг муайян кафолатлари мавжуд. Ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, юридик ва халқаро кафолатлар қонунга риоя этилиши

ва унинг бажарилишини таъминлайди. Қонунийликнинг сиёсий кафолатлари, энг аввало, Ўзбекистон Республикаси ижтимоий ва давлат тузумининг демократизми, сиёсий ва мафкуравий плюрализм, давлат ишларини бошқаришда фуқароларнинг фаол иштирокидир. Қонунийликнинг ижтимоий-иқтисодий кафолатлари эса мулк шакллари-нинг турли-туманлиги, уларнинг ривожланиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш, улар тенг ҳимоя қилинишини таъминлаш, эркин тадбиркорлик, фуқароларнинг ўз ижодий меҳнат қилиш қобилиятидан фойдаланиш ҳуқуқи, ишга ёллаш, ишдан бўшатиш, меҳнатга ҳақ тўлаш ва меҳнатни муҳофаза қилишнинг одилона шартлари билан боғлиқдир.

Қонунийликнинг юридик кафолатларига эса қуйидагилар киради: ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланиши лозим бўлган барча ижтимоий муносабатларнинг қонунлар ёки қонуности ҳужжатлари билан тартибга солинганлиги, қонунларга риоя этилишини назорат қилувчи махсус органлар, шунингдек ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг самарали фаолияти, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига путур етказган мансабдор шахсларни юридик жавобгарликка тортиш.

Қонунийлик ва ҳуқуқий давлат кўп жиҳатдан ўхшаш категориялардир, бироқ улар ўртасида фарқ бор. Қонунийлик ҳуқуқ соҳасидаги барча субъектлар қонунларга сўзсиз риоя этишларини талаб қилади, ҳуқуқий давлат эса худди шундай талабни халқ ҳокимияти функцияларини бажарувчи давлат тузилмаларига нисбатан ҳам қўяди. Шу сабабли, ҳуқуқий давлатчилик, энг аввало, ҳокимият тузилмалари, чунончи давлат ҳокимияти, бошқарув, суд ва прокуратура органлари ҳамда уларнинг мансабдор

шахслари фаолиятида қонун тантанасини англатади.

Мамлакатимиз ҳозирги кунда ўзининг эзгу мақсади бўлмиш ҳуқуқий давлат қуриш йўлидан бормоқда.

Жамият ҳаётида ва давлат бошқарувида қонунийликнинг ўрни ва зарурлиги тарихдан илмий-назарий қарашларда ўзининг аксини топган. Ушбу тушунча Амир Темур, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Муҳаммад ал-Хоразмий, Аҳмад ал-Фарғоний, Абу Али ибн Сино, Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Югнакий, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби буюк мутафаккирлар, файласуфлар ва давлат арбобларининг асарлари ва илмий қарашларида мужассамдир.

Жумладан, буюк саркарда Амир Темур «Қаерда қонун ҳукмронлик қилса, шу ерда эркинлик бўлади»<sup>1</sup>, деган эди. Дарҳақиқат, давлат бошқарувининг асо-

сий принципларидан бири қонунийлик бўлиб, бу маъмурий-ҳуқуқий муносабатларнинг амалга оширилишида ўта муҳим аҳамият касб этади. Мамлакатда ушбу принципни таъминлаш учун фуқаролар, давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг қонунларга қатъий амал қилишлари лозим бўлади.

Шарқ мутафаккирларидан Абу Наср Форобийнинг сиёсий-ҳуқуқий таълимотида жамиятда қонунчиликни такомиллаштириш ғоялари алоҳида ўрин эгаллаган. Унинг ушбу ғоялари «Афлотун қонунларининг моҳияти» асарида келтирилган бўлиб, унда соҳиби қонун, биринчидан, қонунларни жорий қила олиши, иккинчидан, фармон беришни билиши зарурлиги таъкидланади.

Агар у ўзи буюрган нарсани жорий эта олмаса, агар бошқалар бўйсунган нарсага амал қилмаса, у ҳолда унинг кўрсатмала-

## АННОТАЦИЯ

Мақолада ҳуқуқий давлатда қонунийлик тушунчаси, уни таъминлашнинг зарурияти, қонунийликнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида фикр юритилган. Шунингдек, қонунийликнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, юридик ва халқаро кафолатлари тўғрисида фикр юритилиб, қонунийлик ва ҳуқуқий давлат тушунчалари ва уларнинг ўзаро фарқи келтирилган.

**Калит сўзлар:** ҳуқуқий давлат, қонунийлик, қонунийликни таъминлаш, қонунийликнинг ўзига хос хусусиятлари.

\* \* \*

В статье рассматриваются понятие законности в правовом государстве, необходимость его обеспечения, особенности законности. В нем также обсуждаются социально-экономические, политические, правовые и международные гарантии легитимности, концепции легитимности и верховенства закона и объясняются их различия.

**Ключевые слова:** верховенство закона, легитимность, обеспечение легитимности, особенности легитимности.

\* \* \*

The article examines the concept of legality in a state governed by the rule of law, the need to ensure it, features of legality. It also discusses socio-economic, political, legal and international guarantees of legitimacy, explains the concepts of legitimacy and explains their differences.

**Keywords:** rule of law, legitimacy, ensuring legitimacy, features of legitimacy.

ри қонуний кучга эга бўлмайди ва унинг сўзлари қўл остидагиларга таъсир этмайди. Жамиятда саховатпешаликни ўрнатиш ҳақида фикр юритиш ва тадқиқот олиб бориш, шунингдек саховатпешаликнинг мақбул ва ҳақиқий эканлигига ишонилар учун унинг мезонларига қарама-қарши бўлган фикрларни инкор этишдан иборат бўлиши керак<sup>2</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 15-моддасига биноан, Ўзбекистонда Конституция ва қонунларнинг устунлиги сўзсиз тан олинади. Давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўрадилар.

«Қонунийлик» тушунчаси юридик адабиётларда кенг муҳокама этилган масала бўлиб, ақсарият олимлар томонидан ўрганилган ва таҳлил қилинган.

Профессор У. Таджиханов тўғри таъкидлаганидек, қонунийлик – бу доимо ҳуқуққа асосланган барқарорликдир<sup>3</sup>.

Профессор Ҳ. Одилқориев фикрича, жамиятда қонунийлик турли шаклларда намоён бўлади: аввало, Конституция ва қонунларнинг ўтмиш ва ҳозирги даврнинг илғор ғоялари билан суғорилганлиги, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари устуворлигининг таъминланганлиги, қонунларнинг адолатлилиги ва халқ манфаатига хизмат қилишга асосланганлигида; иккинчидан, қонуннинг устуворлиги, яъни қонунларнинг конституцияга, қонуности норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қонунларга мос келишида; учинчидан, давлат орган-

лари, мансабдор шахслар ва фуқароларнинг Конституция, қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга оғишмай, сўзсиз риоя қилишидадир<sup>4</sup>.

Профессор А. Саидовнинг кўрсатишича, қонунийлик мазмунини аниқлашда, биринчи навбатда, қонунларнинг сифатига эътибор қаратиш, яъни уларнинг ижтимоий муносабатларга, ҳуқуққа мос келишини аниқлаш керак. Қонунлар ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи ўзига хос восита сифатида жамиятда мавжуд бўлган иқтисодий даражага, ташкилотчилик, маданият ва ахлоқий қоидаларга мос бўлиши керак. Қонунийлик – бу юқори сифатли ҳуқуқий нормаларнинг етарлича мавжуд бўлиши ва барча ҳуқуқ субъектлари унга қатъий риоя этишидир<sup>5</sup>.

Бизнинг фикримизча, қонунийлик умумийлик ва ягоналик сифатлари билан тавсифланади. Қонунга итоат этиш барча субъектлар учун умумий талабдир. Айни вақтда, қонундаги ҳар бир қоида ҳуқуқий муносабатнинг барча иштирокчилари учун ягона талаб сифатида майдонга чиқади. Бошқача қилиб айтганда, қонун устувор ва бутун мамлакат ҳудудида ягонадир. У бир хилда тушунилиши ва бажарилиши лозим.

**Д. ҚУРБОНОВ,**  
**Ўзбекистон Республикаси**  
**Ички ишлар вазирлиги**  
**хузуридаги Жазони**  
**ижро этиш департаменти**  
**Ташкилий бошқарма**  
**бошлиғи ўринбосари**

<sup>1</sup> Амир Темур тузуклари. –Т., 1992. 9-б.

<sup>2</sup> Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри. – Т., 1993. 20-б.

<sup>3</sup> Таджиханов У. Закон. Человек. Государство. –Т., 1997. – С.34.

<sup>4</sup> Давлат ва ҳуқуқ назарияси. Дарслик. Проф. Ҳ. Одилқориев умумий таҳрири остида. –Т., 2009. 481-482-б.

<sup>5</sup> Саидов А., Тожиханов У. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. II-жилд. Ҳуқуқ назарияси. –Т., 2001. – 279-б.

## ИНТЕРНЕТ ОРҚАЛИ ТУЗИЛАДИГАН ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ БИТИМЛАРГА ОИД МУНОСАБАТЛАР

Жаҳон иқтисодиётидаги глобаллашув жараёнининг асосий жиҳатларидан бири замонавий ахборот-коммуникация технологиялари воситасида жаҳон молия бозорларининг янада интеграциялашганлигидир.

Жорий йилнинг январь ойи ҳолатига кўра, дунёда интернет тармоғидан фойдаланувчилар сони 4,66 млрд. (дунё аҳолисининг 59,5 фоизи)ни<sup>1</sup>, Ўзбекистонда эса 22,5 млн. киши (аҳолининг 72,5 фоизи)ни ташкил этган<sup>2</sup>. Ушбу фойдаланувчилар ҳар куни фойдаланувчи ва провайдер, фойдаланувчи ва виртуал тармоқнинг бошқа субъектлари ўртасидаги турли хил муносабатларга киришади.

Қолаверса, интернет тармоғининг ривож асосида электрон ҳукумат, электрон тижорат, электрон шартномалар, электрон пуллар, электрон почта, виртуал оммавий ахборот воситалари ва бошқа кўплаб янги муносабатлар вужудга келди. Интернет тармоғи жамиятнинг барча жиҳатларига, хусусан ижтимоий, маънавий, иқтисодий, ҳуқуқий соҳаларга ўз таъсирини ўтказмоқда. Ўз навбатида, интернет тармоғида дунё миқёсида, шу жумладан, Ўзбекистонда ҳам ҳуқуқий тартибга солиш механизмлари тўлиқ эмас.

Бу ҳолат интернет дастлаб тижорат хусусиятига эга бўлмаган илмий ахборот алмашинуви учун мўлжалланган алоқа канали бўлганлиги билан изоҳланади.

Бугун эса, интернет тармоғида ҳатто тижорат тузилмалари ҳам фаолият юритмоқда.

Интернет орқали тузиладиган ташқи иқтисодий битимларнинг субъектлари, яъни уларнинг иштирокчилари – тижорат иштирокчиси (сотувчи, харидор) ва ахборот воситачиси (электрон тижорат субъектлари) хи-

собланади.

Бундай электрон тижорат субъектлари ўзаро тузилган шартнома талабларига мувофиқ турли ҳуқуқларга эга бўлади ҳамда белгиланган мажбуриятларни бажаради.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Парламентлараро ассамблеясининг 2011 йил 16 майдаги қарори билан тасдиқланган «Интернетни тартибга солиш асослари тўғрисида»ги Намунавий қонунда интернет муносабатларининг субъектлари сифатида қуйидагилар келтирилган:

- давлат, унинг интернетни тартибга солишни амалга оширишга ваколатли ҳокимият органлари кўринишида;
- интернетдан фойдаланувчилар – интернет хизматлари кўрсатилаётган юридик ва жисмоний шахслар;
- интернет хизматларининг операторлари;
- интернетни тартибга солиш жараёнида иштирок этадиган ўзини ўзи тартибга солувчи ташкилотлар<sup>3</sup>.

Чет эл элементи билан мураккаблашган фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларни, шу жумладан, ташқи иқтисодий битимларнинг виртуал маконда тузилганлиги мазкур муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишни янада қийинлаштиради.

Виртуал макондаги ҳуқуқий муносабатлар субъектининг тавсифи унинг ҳуқуқ субъекти сифатидаги мақоми – ҳуқуқ лаёқати, муомала лаёқати, исми, ёши, яшаш жойи, юридик рўйхатга олинган жойни белгилашдан бошланади. Ахборот-коммуникация маконида одатда муайян жисмоний шахслар сифатидаги фойдаланувчиларни эмас, балки фақат компьютерлар ва серверлар техник идентификация қилинади.

Айнан шу масалалар интернетдаги фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларнинг субъекти билан боғлиқ ҳуқуқий хусусиятга эга қийинчиликлар ҳисобланади.

Чунки, бугунги кунда интернет тармоққа кирадиган ҳар бир тугунни унга рақамли оригинал манзил бериш йўли билан аниқ идентификация қилишни таъминлайдиган изчил манзиллаш тизимига эга. ИП-манзил деб аталадиган мазкур код 195.218.218.38 кўринишига эга бўлади ва бу барча параметрларни (мамлакатдан бошлаб, ҳар бир фойдаланувчининг шахсий компютерига-ча) белгилаш имконини беради<sup>4</sup>, бироқ компютердан фойдаланаётган субъектларни идентификация қилиш имконини берувчи технологиялар энди жорий этилмоқда.

Бунга мисол тариқасида нотариал ҳаракатларни амалга оширишда битим тарафларининг шахси уларнинг биометрик маълумотлари (бармоқ изларини сканер қилиш) орқали аниқланаётганлигини кўрсатиш мумкин.

Миллий қонунчилигимизга назар соладиган бўлсак, интернет орқали тузиладиган битим субъектлари, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари 2015 йил 22 майда янги таҳрирда қабул қилинган «Электрон тижорат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йилдаги «Электрон тижоратда битимларни амалга ошириш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 185-сонли қарори билан тасдиқланган «Электрон тижоратни амалга ошириш қоидалари»да ўз аксини топган. Жумладан, Қонуннинг 10-моддасида электрон тижоратда товарларни (ишларни, хизматларни) сотувчи ёки уларнинг харидори бўлган юридик ёки жисмоний шахс, Электрон тижоратни амалга ошириш қоидаларининг 8-бандида сотувчи ва харидор билан бир қаторда ахборот воситачиси ҳам электрон тижорат иштирокчиси сифатида кўрсатиб ўтилган.

«Электрон тижорат тўғрисида»ги Қонуннинг 10-моддасида электрон тижоратда товарларни (ишларни, хизматларни) сотувчи

юридик шахс ёки яқка тартибдаги тадбиркор ҳисобланиши белгилаб қўйилган, бироқ бу норма мазкур моддада электрон тижорат иштирокчиси сифатида кўрсатиб ўтилган жисмоний шахсларнинг ҳуқуқларини чеклаб қўяди.

Биринчидан, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига асосан жисмоний шахслар ҳам битим иштирокчиси (субъекти) бўлиши белгиланган ва интернет орқали тузилган битимлар бундан мустасно эмас, ва аксинча, бу электрон савдолар ривожланишининг бугунги босқичида қонунчилигимизнинг амалиётдан орқада қолаётганлигидан далолат беради. Чунки, бугунги кунда интернетдаги онлайн савдо платформаларида жисмоний шахслар ҳам ўзаро битим тузмоқдалар.

Иккинчидан, мазкур чеклов интернет орқали ташқи иқтисодий битимлар тузишда ҳам жисмоний шахсларнинг ҳуқуқларини чеклайди. Фуқаролик кодексининг 1181-моддасида Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ташқи иқтисодий битим иштирокчиси бўлиши мумкинлиги кўзда тутилган. Қолаверса, «Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида»ги Қонуннинг 5-моддасида ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошираётган юридик ва жисмоний шахслар ташқи иқтисодий фаолият субъектлари ҳисобланиши аниқ белгиланган.

Шунингдек, мазкур Қонуннинг 11-моддасида Ўзбекистон Республикасининг юридик ёки жисмоний шахслари томонидан хорижий давлатнинг юридик ёки жисмоний шахслари учун ишлар бажариш (хизматлар кўрсатиш), уларнинг бажарилиш (кўрсатилиш) жойидан қатъи назар, ишлар (хизматлар) экспорти ҳисобланиши мустаҳкамланган.

Кўриниб турибдики, Ўзбекистон фуқароси хорижий давлат фуқароси учун Ўзбекистон ҳудудида туриб ҳам онлайн равишда ишлар бажариши, хизматлар кўрсатиши мумкин ва бу интернет орқали тузилган ташқи иқтисодий битим ҳисобланади.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда «Электрон тижорат тўғрисида»ги Қонун

10-моддасининг иккинчи қисмидаги «якка тартибдаги тадбиркор» жумласини «жисмоний шахс» жумласи билан алмаштириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

И.Рустамбеков таъкидлаганидек, интернет тармоғининг кенг ривожланиши ва ижтимоий ҳаётда қўлланилиши уни алоқа воситасидан оммавий ижтимоий ҳодисага айлантирди ва бу интернет тармоғида юзага келувчи ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш билан боғлиқ бир қатор масалалар пайдо бўлишини белгилади.

Интернет тармоғини қонун йўли билан тартибга солиш ва унинг норматив-ҳуқуқий базасини шакллантириш жараёнларининг таҳлили мавжуд норматив базани тизимлаштириш лозимлигини кўрсатади.

Интернет орқали тузиладиган ташқи иқтисодий битимларни ҳуқуқий тартибга солишга қаратилган миллий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар соҳавий жиҳатдан тарқоқ ва мазкур муносабатлар тўлиқ тартибга солинмаган.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, мазкур йўналишдаги ташқи иқтисодий битимларни ҳуқуқий тартибга солувчи миллий қонунчилик нормалари соҳасига кўра иккита катта гуруҳга бўлинади:

– ташқи иқтисодий фаолият соҳасидаги ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар;

– электрон тижорат билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар.

Биринчи гуруҳга «Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 25 августдаги «Бюрократик тўсиқларни бартараф этиш ва тадбиркорлик фаолияти эркинлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-1604-сонли Қарори ва Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 14 майдаги «Ўзбекистон Республикасида ташқи савдо операциялари мониторингини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 283-сонли қарори ва бошқа бир қатор Ҳукумат қа-

рорлари ҳамда тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар киради.

Иккинчи гуруҳга эса, «Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида»ги, «Электрон тижорат тўғрисида»ги, «Электрон рақамли имзо тўғрисида»ги қонунларни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли фармон ва қарорларини киритиш мумкин.

Бугунги кунда мамлакатимизда хўжалик юритувчи субъектлар, жумладан, кичик бизнес ва тадбиркорлик вакилларининг электрон тўловлар ва электрон тижорат имкониятларидан самарали фойдаланиши учун етарли ҳуқуқий асос яратилган.

Бироқ, ахборот технологиялари ва тижоратнинг бугунги кундаги ривожланиш даражаси электрон тижорат соҳасидаги муносабатларни янада кенгроқ ва мукамалроқ тартибга солишни талаб этади.

«Интернетда битимларга солиқ солиш, электрон тўловларни амалга ошириш, буюртма қилинган (ҳақи тўланган) товарни етказиб беришни тартибга солиш энг жиддий муаммолардан бири ҳисобланади. Электрон битимларни амалга оширишда қандай солиқлар ва бож тўловлари ундирилиши лозимлигини, бунда ким Ўзбекистон Республикасининг солиқ резиденти ҳисобланишини миллий қонунчиликда аниқ белгилаб қўйиш талаб этилади», деб таъкидлайди И. Рустамбеков<sup>5</sup>.

Ўз навбатида, ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг либераллаштирилиши жараёнида экспорт билан шуғулланувчи юридик шахсларни солиққа тортиш билан боғлиқ муаммо келиб чиқди.

Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 10 августдаги 472-сонли қарори қабул қилиниши муносабати билан экспортчи тушган валюта тушумининг бир қисмини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда мажбурий равишда сотиши бекор қилинганлиги ижобий ҳисобланса-да, инсофсиз тадбиркорлар учун «яхши имконият» яратди. Гап шундаки, 2020 йилда экспорт операциялари бўйича валютанинг тушмаслик ҳолатлари кескин ошиб кетди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 14 майдаги «Ўзбекистон Республикасида ташқи савдо операциялари мониторингини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 283-сонли қарорининг 27-бандига асосан чет элдан хорижий валютадаги тушум тушиши кечиктирилишига йўл қўйган экспорт қилувчилар белгиланган муддатлар тамом бўлганидан кейин жаримага тортилишлари белгиланган.

Мисол учун, суд статистикасига назар соладиган бўлсак, 2019 йилда молиявий жарима қўллаш билан боғлиқ жами 142 та иқтисодий иш мазмунан кўрилиб, шундан 74 таси ёки 52,1 фоизи, 2020 йилда эса жами 92 та иш мазмунан кўрилган бўлиб, 59 таси ёки 64,1 фоизи бўйича даъволар қаноатлантирилган.

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, Ўзбекистон Республикасида электрон битимлар бир қатор қонун ва қонуности ҳужжатлари билан тартибга солинади. Ўз навбатида, электрон битим электрон тижоратда фойдаланиладиган электрон ҳужжатнинг бир кўриниши ёки тури ҳисобланади. Шунинг учун, биринчи навбатда, электрон ҳужжат ўзи нималигини ва унинг ҳуқуқий табиатини аниқлаб олмақ зарур. «Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида»ги Қонуннинг 5-моддасига кўра, электрон шаклда қайд этилган, электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ва электрон ҳужжатнинг уни идентификация қилиш имкониятини берадиган бошқа реквизитларига эга бўлган ахборот электрон ҳужжатдир.

Электрон битим ва бошқа ҳар қандай электрон ҳужжат электрон рақамли имзо билан тасдиқланади, ўз навбатида, электрон рақамли имзо электрон ҳужжатнинг мажбурий рекузитларидан энг асосийси ҳисобланади.

Бугунги кунда Ўзбекистонда электрон рақамли имзолар билан боғлиқ асосий муаммо электрон рақамли имзонинг ягона шакли мавжуд эмаслигидир. Аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, ҳозирги кунда мамлакатимизда электрон рақамли имзо Давлат солиқ қўмитаси ва Unicon.uz давлат унитар корхонаси томонидан тақдим қилиб келинмоқда. Қолаверса, «Электрон рақамли имзо тўғрисида»ги Қонунга асосан махсус ваколатли органда давлат рўйхатидан ўтган юридик шахслар электрон рақамли имзоларнинг ёпиқ ва очиқ калитларини яратиш ҳуқуқига эга бўлади.

Электрон рақамли имзо тақдим қилувчи ташкилотлар билан боғлиқ энг катта муаммо эса, электрон рақамли имзоларнинг ўзаро тан олинмаслиги ва унификацияланмаганлигидир.

Хулоса қилиб айтганда, интернет бозори жадал суръатларда ривожланмоқда ва бу соҳада бир қатор муаммолар ўз ечимини кутмоқда.

**Г. УБАЙДУЛЛАЕВА,**  
**Ўзбекистон Республикаси**  
**Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги**  
**Судьялар олий мактаби**  
**«Иқтисодий ҳуқуқ» кафедраси**  
**кабинет мудири**

<sup>1</sup> Qarang: DIGITAL AROUND THE WORLD - <https://datareportal.com/global-digital-overview>.

<sup>2</sup> Qarang: Общее количество интернет пользователей Узбекистана- <https://mitc.uz/ru/stat/4>.

<sup>3</sup> Модельный закон «Об основах регулирования Интернета» Межпарламентская Ассамблея государств – участников Содружества Независимых Государств, Приложение к постановлению МПА СНГ от 16.05.2011 г. № 36-9. [http://www.cikrf.ru/international/docs/mpa\\_modzakon.html](http://www.cikrf.ru/international/docs/mpa_modzakon.html).

<sup>4</sup> Степанов В.К. Применение Интернета в профессиональной информационной деятельности. – М.: Фаир, 2009. – С. 19.

<sup>5</sup> Rustambekov I.R. Internet tarmog'ida fuqarolik-huquqiy munosabatlarni tartibga solish muammolari. Monografiya. – Toshkent: TDYuU, 2020. – 310 b.

## ҲУҚУҚИЙ МОНИТОРИНГ ОБЪЕКТИ ВА СУБЪЕКТЛАРИ ДОИРАСИНИНГ ЮРИДИК ТАБИАТИ

Ҳар қандай ижтимоий муносабатларни тартибга солишдан аввал унинг объекти ва субъекти доирасини аниқлаб олиш муҳим аҳамиятга эга. Зотан, ҳар қандай ижтимоий, хусусан ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишда дастлаб ким томонидан, қандай хатти-ҳаракатларни амалга ошириш лозим, деган саволларга жавоб топиш зарур бўлади.

Шу ўринда «объект» ва «субъект» тушунчаларига берилган умумий таърифларни кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ. Объект (лот. *objectum* – нарса) субъектга қарама-қарши бўлган ҳамда инсоннинг амалий ва билиш фаолияти қаратилган объектив реалликни англатса, субъект фаол фаолият кўрсатувчи, билувчи, онг ва иродага эга бўлган индивид ёки ижтимоий гуруҳ маъносида қўлланилади<sup>1</sup>.

Ушбу таърифлар умумий характерга эга бўлиб, мазкур тушунчаларнинг соҳалар кесимида қўлланилиши алоҳида ўрганишни талаб қилади.

Хусусан, давлат ва жамият ҳаётидаги ижтимоий муносабатларни норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тўлиқ қамраб олиш ва уларнинг мукамал ижросини таъминлаш мақсадида амалга оширилувчи ўзига хос фаолият ҳисобланган ҳуқуқий мониторинг ҳам табиийки, объект ва субъект доирасига эга.

Ҳуқуқшунос Н. Саид-Ғазиевнинг фикрича, қонун ҳужжатлари мониторинги объектлари доираси кенг бўлиб, ушбу объектларга асосан Олий Мажлис томонидан қабул қилинадиган қонунлар ва бошқа

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, Президент фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, шунингдек бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар киради<sup>2</sup>.

Ушбу фикрлар баҳслидир. Биринчидан, ҳуқуқий мониторинг объектлари доираси кенг эмас, балки аниқ ва тугалланган бўлиши лозим. Бу норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг сифатли ижро этилишини таъминлайди. Иккинчидан, Президентнинг фармойишларини ҳуқуқий мониторинг объектлари қаторига киритиш мақсадга номувофиқдир. Чунки, фармойиш тез ҳал қилиниши керак бўлган ва бошқа жорий масалаларга оид ҳужжат ҳисобланиб, умумий характерга эга эмас.

Н. Саид-Ғазиева қонун ҳужжатлари мониторингининг асосий объекти Ўзбекистон Республикаси қонунлари ҳисобланишини ҳам таъкидлайди<sup>3</sup>. Унинг бу фикри ҳам баҳсталабдир. Чунки, ҳуқуқий мониторинг объектлари қатъий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар иерархиясига таянган ҳолда шакллантирилиши лозим. Шу жиҳатдан олиб қараганда, олий юридик кучга эга бўлган ҳужжат Конституция ҳисобланади. Қолган барча қонун ва қонунности ҳужжатлари Конституция асосида ва унинг ижросини таъминлаш мақсадида қабул қилинади. Демак, ҳуқуқий мониторинг объектлари сафида биринчи бўлиб Конституцияни белгилаб қўйиш лозим.

Яна бир ҳуқуқшунос олим Ғ. Машкуров ҳуқуқий мониторинг объектларини аниқлаш масаласига давлат ва ҳуқуқ на-



зариясининг асосий институтлари мазмун-моҳияти, мамлакатимизда амалга оширилаётган социал-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, гуманитар ҳамда суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотларга ҳамоҳанг равишда, шунингдек мониторинг амалиётини эътиборга олган ҳолда ёндашиш мақсадга мувофиқлигини таъкидлаб, ҳуқуқий мониторинг объектларини шартли равишда учта катта гуруҳга бўлишни таклиф этади: *биринчиси* – ҳуқуқ ижодкорлиги; *иккинчиси* – ҳуқуқ манбалари (шакллари); *учинчиси* – ҳуқуқни амалга ошириш<sup>4</sup>.

Илмий жиҳатдан олиб қараганда ва ҳуқуқий мониторингнинг узлуксиз жараён эканлигидан келиб чиқсак, ушбу фикрларга қисман қўшилиш мумкин. Аммо, ҳуқуқий мониторинг объектлари юридик нуқтаи назардан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан иборат бўлиши мақсадга мувофиқ. Зеро, фақатгина норматив-ҳуқуқий ҳужжатларгина умуммажбурий давлат кўрсатмаларини ўз ичига олади, қолган

барча ҳуқуқни қўллаш ҳужжатлари қонун ҳужжатларига таянган ҳолда қабул қилиниши керак.

Шунингдек, ҳуқуқшунос олимлар орасида ҳуқуқий мониторинг объектлари сифатида норматив-ҳуқуқий ҳужжат ёки унинг таркибий қисми; норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг алоҳида моддалари; ижтимоий муносабатларнинг алоҳида соҳасини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар комплекси; норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни амалга ошириш билан боғлиқ муносабатлар эътироф этилиши мумкинлиги ҳақида қарашлар мавжуд<sup>5</sup>.

Фикримизча, норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг таркибий қисми, хусусан, унинг алоҳида моддаси ҳуқуқий мониторинг объекти сифатида тавсифланиши мақсадга мувофиқ эмас. Зеро, қонун ҳужжатлари ижтимоий муносабатларни тартибга солишга қаратилган бир нечта нормалар йиғиндисидан ташкил топган бўлиб, унинг ҳар бир моддаси бошқа бир норма билан узвий боғлиқ ҳисобланади.

## АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада ҳуқуқий мониторинг институтининг объекти ва субъектлари доираси илмий ва амалий жиҳатдан таҳлил қилинган. Шунингдек, ҳуқуқшунос олимларнинг фикрлари, амалдаги қонунчилик ва ҳозирги амалиётдан келиб чиқиб, тегишли таклифлар билдирилган.

**Калим сўзлар:** ҳуқуқ, мониторинг, объект, субъект, норма, норматив-ҳуқуқий ҳужжат.

\* \* \*

В статье анализируется объем объекта и тематики института правового мониторинга с научной и практической точки зрения. Соответствующие предложения были также внесены на основе мнений ученых-юристов, действующего законодательства и существующей практики.

**Ключевые слова:** закон, мониторинг, объект, субъект, норма, нормативно-правовой акт.

\* \* \*

The article analyzes the scope of the object and topics of the institution of legal monitoring from a scientific and practical point of view. Relevant proposals were also made on the basis of the opinions of legal scholars, current legislation and existing practice.

**Key words:** law, monitoring, object, subject, norm, normative-legal act.

Содда қилиб айтганда, айти бир қонун таркибидаги нормаларни бир-биридан айро тасаввур қилиб бўлмайди.

Назарий жиҳатдан ҳуқуқий мониторинг объектларининг сафини ҳар қанча кенгайтириш мумкин. Аммо, ушбу жараён масаланинг амалий жиҳатларини инобатга олган ҳолда амалга оширилиши муҳимдир. Масалан, илмий доира вакиллари томонидан ҳуқуқий мониторинг халқаро шартномалар ва уларнинг ижро қилинишига оид масалаларни ҳам қамраб олиши зарур, деган фикр мавжуд<sup>6</sup>. Бироқ, халқаро шартномалар амалдаги қонунчиликка кўра, ҳуқуқий мониторинг объектлари қаторига киритилмаган. Сабаби, ҳар қандай ратификация қилинган халқаро шартнома қонун билан тасдиқланади. Демак, ушбу масала қонунлар билан қамраб олинади.

Амалдаги қонунчиликда ҳуқуқий мониторинг объектига таъриф берилмаган бўлса-да, унинг тўлиқ рўйхати мустаҳкамлаб қўйилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 2 ноябрдаги «Ҳуқуқий мониторингнинг замонавий механизмлари асосида қонун ҳужжатлари ижросининг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори билан тасдиқланган Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросининг ҳуқуқий мониторингини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ, ҳуқуқий мониторинг объектига:

– Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари;

– Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари киради.

Лекин, ушбу рўйхат ҳам тўлиқ тугалланган тарзда расмийлаштирилмаган. Зеро, «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ, юко-

ридагилардан ташқари, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг қарорлари ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари ҳам норматив-ҳуқуқий ҳужжат сифатида белгиланган. Шу нуқтаи назардан, ушбу рўйхатга мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар турларини ҳам киритиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Бу орқали ислохотларнинг ҳудудларда ва соҳалар кесимида муваффақиятли амалга оширилишига эришиш мумкин.

Ҳуқуқий мониторинг субъектлари масаласи ҳам алоҳида қизиқиш уйғотади. Бу борада назарий жиҳатдан уларни турли мезонларга кўра, таснифлаш мумкин. Айрим олимлар уларни фаолият турига қараб уч гуруҳга бўлишни таклиф этади:

– норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилувчи органлар;

– қонун ҳужжатлари мониторингини юритиш учун махсус ташкил этилган ёки тегишли ваколатга эга бўлган органлар;

– қонун ҳужжатлари мониторинги юритилишига кўмаклашувчи ташкилотлар<sup>7</sup>.

Бунда, *биринчи* гуруҳга бевосита норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиш ваколатига эга бўлган органлар, *иккинчи* гуруҳга ҳуқуқий мониторинг соҳасида махсус ваколатли органлар, *учинчи* гуруҳга эса фуқаролик жамияти институтлари, илмий-тадқиқот муассасалари кириши назарда тутилади.

Шунингдек, бошқа бир олимлар гуруҳи ҳуқуқий мониторинг субъектларини конституциявий ва ташаббускорликка<sup>8</sup>, унинг ҳуқуқий мақомига<sup>9</sup>, тегишли ваколатларни амалга оширишнинг узлуксизлигига<sup>10</sup>, мониторинг натижаларини амалга ошириш ва қайд этиш мажбуриятига<sup>11</sup> асосан турларга ажратишади.

Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда мамлакатимизда ҳуқуқий мониторинг билан бевосита шуғулланувчи алоҳида ташкилот мавжуд эмас. Сўнгги йилларда қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий

ҳужжатларнинг сони ошганлиги сабабли, уларнинг ижросини сифатли таъминлаш мақсадида айнан шундай ташкилот фаолиятини йўлга қўйиш зарур.

Демак, ҳуқуқий мониторинг субъекти ушбу фаолият билан шуғулланувчи шахсдир.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросининг ҳуқуқий мониторингини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомда Вазирлар Маҳкамаси, Адлия вазирлиги, давлат бошқаруви органлари ҳуқуқий мониторинг субъектлари сифатида белгиланган. Лекин, ушбу субъектларнинг барчаси Ҳукуматни ташкил этади. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини таъминлаш мақсадида ҳуқуқий мониторингни амалга оширишда фақатгина Ҳукумат ва унинг таркибига кирувчи давлат бошқаруви

органларига урғу бериш мантиққа тўғри келмайди. Чунки, амалда ушбу жараёнда бошқа субъектлар ҳам фаол иштирок этмоқда. Хусусан, Олий Мажлис палаталари қонун ҳужжатларининг ижросини таъминлаш мақсадида доимий ҳуқуқий мониторингни амалга ошириб келмоқда.

Шу билан бирга, жамоатчиликнинг ҳуқуқий мониторинг жараёнларида иштирок этишини қонуний жиҳатдан мустақамлаб қўйиш лозим.

**Р. САЙИДОВ,**  
**Ўзбекистон Республикаси**  
**Олий Мажлиси ҳузуридаги**  
**Қонунчилик муаммолари**  
**ва парламент тадқиқотлари**  
**институтини бош илмий ходими**

<sup>1</sup> Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» давлат илмий нашриёти. Тошкент. // <http://www.ziyouz.uz>.

<sup>2</sup> Саид-Ғазиева Н. Қонун ҳужжатлари мониторинги объектлари ва субъектлари. «Қонун ҳужжатлари мониторинги: назария ва амалиёт масалалари» илмий-амалий семинар материаллари / Масъул муҳаррир: Ф.Ҳ.Отахонов. – Т.: 2006, 39-б.

<sup>3</sup> Ўша ерда.

<sup>4</sup> Машқуров Ғ. Ҳуқуқий мониторингни таъминлаш механизмлари. ю.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. – Тошкент-2012, 88-89-б.

<sup>5</sup> Правовой мониторинг. Научно-практическое пособие. – М.: ИД «Юриспруденция», 2009, – С. 21.

<sup>6</sup> Гафуров М. Қонун ҳужжатларини халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларга мослигини таъминлашда мониторингни амалга оширишнинг аҳамияти. «Қонун ҳужжатлари мониторинги: назария ва амалиёт масалалари» илмий-амалий семинар материаллари / Масъул муҳаррир: Ф.Ҳ.Отахонов. – Т.: 2006, 233-б.

<sup>7</sup> Саид-Ғазиева Н. Қонун ҳужжатлари мониторинги объектлари ва субъектлари. «Қонун ҳужжатлари мониторинги: назария ва амалиёт масалалари» илмий-амалий семинар материаллари / Масъул муҳаррир: Ф.Ҳ.Отахонов. – Т.: 2006, 41-б.

<sup>8</sup> Горохов Д.Б., Спектор Е.И., Глазкова М.Е. Правовой мониторинг: концепция и организация // Журнал российского права. 2007. № 5. – С. 31; Козловская О.В. К вопросу о субъектах мониторинга нормативных правовых актов // Правовая политика и правовая жизнь. 2013. № 1. – С. 142.

<sup>9</sup> Жужгов И.В. Мониторинг правового пространства Российской Федерации : дис. ... канд. юр. наук. Ставрополь, 2006, – С. 89-91.

<sup>10</sup> Горохов Д.Б., Спектор Е.И., Глазкова М.Е. Правовой мониторинг: концепция и организация // Журнал российского права. 2007. № 5. – С. 32.

<sup>11</sup> Правовой мониторинг: актуальные проблемы теории и практики / под ред. Н.Н. Черногора. М., 2010, – С. 45-46.

## КЕЛИШУВ БИТИМИ ЁХУД МЕДИАТИВ КЕЛИШУВ: ҚАЙ БИРИ АФЗАЛ?

Маълумки, иқтисодий суд иш юритувида тарафлар муайян моддий-ҳуқуқий низо юзасидан тўқнашади. Ушбу тўқнашув келгусида суд томонидан ҳал қилув қарорини қабул қилиш билан яқунланиши ёки тарафлар ўртасида келишувга эришиш муносабати билан ўз ниҳоясига етиши мумкин.

Тадбиркорлик субъектлари учун ҳар дақиқа қадрли бўлган бир пайтда узоқ вақт давом этадиган суд жараёнлари фойдасиз ҳисобланади. Шунинг учун бугунги кунга келиб низоларни суд томонидан ва суддан ташқари ҳал этишнинг тезкор жараёни зарур бўлмоқда. Келишув битими ёки медиатив келишувни тузиш эса, суд жараёнини содалаштириш, уни тезроқ яқунлаш орқали муаммоларни ҳал этишнинг самарали усули сифатида намоён бўлмоқда. Келишув битими ва медиатив келишувнинг ўзаро ўхшаш ва фарқли жиҳатлари нималардан иборат, деган савол туғилади.

Медиатив келишув медиатор кўмагида, медиация тартиб-таомилини амалга ошириш натижасида тузилган ва низони тарафларнинг манфаатларидан келиб чиққан ҳолда ҳал этишга қаратилган ёзма келишувдир.

Келишув битими ўзаро келишишга асосланган, тарафлар ўртасидаги низони яқунлашга, ўз навбатида, суд иш юритувини тугатишга қаратилган тарафларнинг ёзма келишувидир.

Статистик маълумотларга кўра, 2020 йилда иқтисодий судлар томонидан 104331 та иқтисодий иш қўрилган бўлиб, шундан 860 таси бўйича келишув битими тузилиб, суд томонидан тасдиқланган бўлса, 441 таси бўйича медиатив келишув тузилганлиги сабабли даъво аризаси кўрмасдан қолдирилган. 2021 йилнинг

6 ойида иқтисодий судлар томонидан 83255 та иқтисодий иш қўрилган бўлиб, 768 та иш бўйича келишув битими тузилиб, суд томонидан тасдиқланган бўлса, 769 та иш бўйича медиатив келишув тузилган. Ушбу статистик маълумотлар судда яраштириш тартиб-таомилини қўллаш ошганини тасдиқласа-да, низоларни ҳал этишнинг муқобил усуллари иқтисодий суд иш юритувида ҳали ҳам етарли даражада оммалашмаётганлигини кўрсатади.

Иқтисодий процессуал ҳуқуқда тарафларнинг келишув битими тузиши диспозитивлик, яъни эркин ҳуқуқ принципининг энг эркин кўриниши бўлиб, улар ўртасида моддий-ҳуқуқий низонинг барҳам топиши ва иш юритишнинг тугашига олиб келади. Бироқ, иқтисодий судлар амалиётида тарафларнинг келишув битимини тузиш орқали иш юритишни тугатиши нисбатан кам учрайди.

Жумладан, 2018 йил давомида Тошкент туманлараро иқтисодий суди томонидан жами 34825 та иш қўрилган бўлса, шундан 253 та иш келишув битими билан яқунланган. Бу кўрсаткич умумий иқтисодий ишлар сонининг бор-йўғи 0,7 фоизини ташкил этади. 2019 йил давомида Тошкент туманлараро иқтисодий суди томонидан жами 30072 та иш қўрилган ва 261 та иш келишув битими билан яқунланган. Албатта, келишув битимлари сони қисман ортиб бормоқда ва суд томонидан келишув битими тузиш таклиф этилаётганлиги ўз самарасини бермоқда.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси (ИПК)нинг 130-моддасига кўра, суд тарафларнинг келишувини учун чоралар кўради, уларга иқтисо-

дий суд ишларини юритишнинг барча босқичларида низони ҳал этишга кўмаклашади.

ИПКнинг 131-моддасига мувофиқ, тарафлар низони келишув битимини ёки медиатив келишувни тузиб ҳал этиши мумкин. Келишув битими ёки медиатив келишув даъво тартибидаги ҳар қандай иш бўйича тузилиши мумкин.

Келишув битими иқтисодий суд ишларини юритишнинг ҳар қандай босқичида ва суд ҳужжатини ижро этиш жараёнида, медиатив келишув эса, биринчи инстанция судида суд алоҳида хонага (маслаҳатхонага) суд ҳужжатини қабул қилиш учун чиққунига қадар тарафлар томонидан тузилиши мумкин. Келишув битими у суд томонидан тасдиқланганидан кейин тузилган ҳисобланади.

ИПКнинг 132-моддасига асосан келишув битими ёзма шаклда тузилади ва келишув битимини тузган шахслар ёки уларнинг вакиллари томонидан имзоланади. Келишув битимида тарафлар томонидан келишилган мажбуриятларни бажариш шартлари ва муддатлари ҳақидаги қоидалар кўрсатилиши керак.

Тарафлар томонидан келишув битими шартлари бўйича қабул қилинган мажбуриятларнинг бажарилиши тарафларни бир-бирига ёки бошқа воқеаларга (ҳаракатларга) боғлиқ қилиб қўйиши мумкин эмас.

Келишув битимида жавобгар томонидан мажбуриятларни кечиктириб ёки бўлиб-бўлиб ижро этиш тўғрисидаги, талаб қилиш ҳуқуқидан бошқа шахс фойдасига воз кечиш ҳақидаги, қарздан тўлиқ ёки қисман воз кечиш ёхуд қарзни тан олиш тўғрисидаги, суд харажатларини тақсимлаш ҳақидаги шартлар ва қонунга зид бўлмаган бошқа шартлар кўрсатилиши мумкин.

Агар келишув битимида суд харажатларини тақсимлаш ҳақидаги шарт мавжуд бўлмаса, суд бу масалани келишув битимини тасдиқлаш чоғида, ушбу Кодексда белгиланган умумий тартибда ҳал этади.

Келишув битими уни тузган шахслар со-

нидан битта ортиқ нусхада тузилади ва имзоланади. Ушбу нусхалардан бири иш материалларига қўшиб қўйилади.

Келишув битимини тасдиқлаш ҳақидаги ажримнинг хулоса қисмида қуйидагилар кўрсатилиши керак:

- 1) келишув битимининг шартлари;
- 2) келишув битимини тасдиқлаш тўғрисидаги хулоса;
- 3) суд харажатларини тақсимлаш;
- 4) иш юритишни тугатиш ҳақидаги маълумот.

Суд келишув битимини тасдиқлашни қуйидаги ҳолларда рад этади, агар:

- 1) унинг шартлари қонунчиликка зид бўлса;
- 2) унинг шартлари учинчи шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор бўлса;
- 3) у шарт асосида тузилган бўлса.

Келишув битимининг моҳияти шундаки, унинг воситасида тарафлар ўртасидаги низо якун топади. Келишув битими тарафларнинг ўзаро ихтиёрий келишувларини тартибга солиш ва тасдиқлаш асосида низони суд томонидан тугатиш юзасидан тузган ҳужжатидир.

Илмий майдонда келишув битимининг моҳияти ва ҳуқуқий табиати юзасидан турли хил қарашлар мавжуд. Келишув битими иқтисодий процесс нуқтаи назаридан тарафлар томонидан ўзаро келишилган, мақбул ва аниқ шартлар асосида суд жараёнининг тўхтатилишидир<sup>1</sup>, деб ҳам таъриф берилган.

Келишув битими тарафлар ўртасида қонунда назарда тутилган процессуал ҳуқуқий оқибатларни келтириб чиқарувчи, тарафларнинг бир вақтдаги ва келишилган ҳаракатларини ифодаловчи процессуал келишув бўлиб, унинг моддий-ҳуқуқий асосида фуқаролик-ҳуқуқий ёки бошқа шартнома (келишув) ётади<sup>2</sup>.

С. Моисеевнинг фикрича, келишув битими тарафларнинг процессуал хатти-ҳаракати бўлиб, суд иш юритувини тугатишга, моддий-ҳуқуқий низони тарафлар томо-

нидан ихтиёрий равишда тартибга солишга қаратилган, арбитраж суди томонидан тегишли тартибда тасдиқланадиган ва иш юритувни тугатишга олиб келадиган келишувдир<sup>3</sup>.

Келишув битими бу суд иш юритуви тарафлари томонидан тузиладиган, улар ўртасида вужудга келган низони ҳал этишга қаратилган, шу билан бирга, қонунга зид бўлмаган, суд томонидан тасдиқланадиган ва тасдиқланиши процессуал ҳуқуқий оқибатлар келтириб чиқарадиган, уни бажармаган тақдирда эса мажбурий ижро этилишига олиб келадиган келишувдир<sup>4</sup>.

Дарҳақиқат, келишув битимини тузаётган пайтда тарафлар маълум бир процессуал ҳаракатларни амалга оширишади. Хусусан, келишув битимини тузишга қаратилган процессуал ҳаракатларни амал-

га оширадилар. Бунда, процессуал ҳуқуқ келишув битимини тузиш билангина эмас, балки келишув битимини судга тақдим қилиш орқали суд иш юритувини тугатиш кўринишида ҳам намоён бўлади. Зеро, тузилган келишув битимининг суд томонидан тасдиқлашга тақдим қилмаслик судга уни кўриб чиқиш мажбуриятини юкламайди<sup>5</sup>.

Келишув битими аниқ, барча учун тушунарли ва даъво предмети доирасида тузилиши ва уни ижро этиш жараёнида ҳеч қандай қийинчиликлар келтирмаслиги лозим. Келишув битимини тасдиқлаш чоғида суд томонидан ажрим чиқарилади ва унда иқтисодий ишни юритиш тугатилгани кўрсатилади.

Келишув битими фақат тарафлар ва даъво предметиға нисбатан мустақил талаб билан арз қилувчи учинчи шахслар

## АННОТАЦИЯ

Мақолада низоларни ҳал этишнинг муқобил усуллари сифатида келишув битими ҳамда медиатив келишувнинг аҳамияти илмий манбалар ва қонун ҳужжатлари асосида таҳлил қилинган. Шунингдек, иқтисодий суд иш юритувида келишув битими ва медиатив келишувнинг ўхшаш ва фарқли жиҳатлари қиёсланиб, яраштириш тартиб-таомилларини кенг қўллашнинг ижобий жиҳатлари ва ушбу муносабатлар билан боғлиқ айрим камчиликлар баён қилинган.

**Калит сўзлар:** иқтисодий суд, низоларни ҳал этишнинг муқобил усуллари, яраштириш тартиб-таомиллари, келишув битими, медиатор, медиация, медиатив келишув.

\* \* \*

В этой статье в качестве альтернативных методов разрешения споров проанализированы роль и значение заключения мирового и медиативного соглашения на основе научных источников и законодательных актов (законодательства). А также, сделан сравнительный анализ сходства и отличия мирового и медиативного соглашения, преимущества и некоторые недостатки при применении примирительных процедур в сфере экономического судопроизводства.

**Ключевые слова:** экономический суд, альтернативные методы разрешения споров, примирительные процедуры, мировое соглашение, медиатор, медиация, медиативное соглашение.

\* \* \*

Annotation: In this article, the role and significance of concluding an settlement agreement and mediation agreement based on scientific sources and legislative acts (legislation) are analyzed as alternative methods for resolving disputes. And also, a comparative analysis is made of the similarities and differences between the settlement and mediation agreement, the advantages and some disadvantages in the application of conciliation procedures in the field of economic proceedings.

**Key words:** economic court, alternative methods of dispute resolution, conciliation procedures, settlement agreement, mediator, mediation, mediation agreement.

ёки уларнинг вакиллари томонидан тузилади<sup>6</sup> ва имзоланади.

Келишув битимини тузиш ва суд томонидан тасдиқлаш муаммолари доимий долзарб ҳисобланади. Зотан, келишув битими ҳал қилув қарори қабул қилиш билан низони ҳал қилишдан бир неча жиҳатлари билан устун туради. Жумладан:

- жавобгар томонидан мажбуриятларни ихтиёрий равишда бажаришнинг реал имкониятлари пайдо бўлади (суднинг ҳал қилув қарори қабул қилинганда эса, жавобгар ижрони кечиктириш мақсадида кейинги инстанцияга бир неча маротаба мурожаат қилиши мумкин);

- келишув битими тарафларни келиштириш йўлидаги дастлабки қадам бўлиб хизмат қилса, суднинг қарори улар ўртасидаги низони янада чуқурлаштириши мумкин;

- суднинг ҳал қилув қарори давлатнинг мажбурлов кучи элементларига эга бўлиб, келишув битими тарафлар томонидан уларнинг ихтиёрига асосан тузилади;

- келишув битимини тузиш тарафларнинг вақти ва маблағини иқтисод қилади, шунингдек тарафлар ўртасидаги дўстона алоқаларнинг сақланиб қолишига хизмат қилади;

- келишув битимини тузиш тарафлар ўртасида низони суддан ташқари тинч йўл билан ҳал қилиш имконини бериб, улар ўртасидаги ўзаро ҳурмат ва ишбилармонлик муносабатлари қарор топишига хизмат қилади.

Келишув битимининг моҳияти шундаки, унинг воситасида тарафлар ўртасидаги низо барҳам топади. Бунда, бир тараф (даъвогар) даъво предметини мажбурий тарзда бирон-бир шахсдан ундиришдан воз кечса, иккинчи тараф (жавобгар) муайян шарт-шароитларда (гарчи айрим ҳолларда даъвогар ва жавобгар маълум манфаатлардан воз кечса-да), келишув битимини тузишга розилик беради, даъвогарнинг моддий-ҳуқуқий талаби мавжуд бўлмайдиган ва иқтисодий ишни юритиш тугатилади (ИПКнинг 110-моддаси).

Келгусида тарафлар айнан ушбу низо бўйича судга мурожаат қилиш ҳуқуқини йўқо-

тади. Келишув битими фақатгина бир-бирларига нисбатан моддий-ҳуқуқий талаблари мавжуд бўлган тарафлар ўртасида тузилиши мумкин. Агар моддий манфаатдорлиги бўлмаган тарафлар ўртасида келишув битими тузилса, келгусида келишув битимининг бекор бўлишига асос бўлиши мумкин.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиққан ҳолда шундай хулоса қилиш мумкинки, келишув битими бу – моддий-ҳуқуқий ва процессуал-ҳуқуқий табиатга эга бўлган, юзага келган моддий-ҳуқуқий низони самарали ҳал қилишга қаратилган, келишувга эришиш учун амалга ошириладиган ҳаракат ҳисобланади. Келишув битимидаги шартлар тарафларнинг мажбуриятларни бажариш механизминини, муддатини, тарафларнинг бир-бирларига нисбатан талабларини аниқлаштиришга, айрим ҳолларда эса, қўшимча шартларни киритиш орқали тарафлар манфаатини юқори даражада таъминлашга хизмат қилади.

Ривожланган хорижий мамлакатлар ҳуқуқининг таркибий қисмига айланган медиация ўзининг кўп қирралилиги, долзарблиги билан алоҳида ажралиб туради. «Mediation» атамаси инглиз тилидан олинган бўлиб, «келишув, тинчликка эришув» деган маънони англатади.

Медиация институти кўплаб хорижий мамлакатларда ўтган асрнинг 70 – 80-йилларида пайдо бўлган. Францияда биринчи медиатор 1973 йилда тайинланган бўлиб, Швециядаги Омбудсманга ўхшаш институт бўлган. Дастлаб Францияда медиацияга ишончсизлик билан қаралган. Бироқ, ўтган асрнинг 90-йилларидан бошлаб низоларни ҳал этишнинг мазкур усули афзалликлари тушунилиб, уни қўллаш кенг жорий қилина бошланди<sup>7</sup>.

Статистик маълумотларга кўра, дунё миқёсида низоларнинг 35-40 фоизи медиация йўли билан ҳал қилинади ва шундан тахминан 85 фоиз ҳолатда кутилган ижобий натижани бермоқда<sup>8</sup>.

2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устивор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратеги-

яси асосида 2018 йил 3 июлда Ўзбекистон Республикасининг «Медиация тўғрисида»ги Қонуни қабул қилинди.

2019 йил 1 январдан кучга кирган мазкур Қонуннинг мақсади Ўзбекистон Республикасида низоларни тартибга солишнинг муқобил усуллари ривожлантириш учун ҳуқуқий шарт-шароитлар яратиш, суд тизимидаги иш юкламаларини камайтиришдан иборат.

Миллий қонунчилигимизга кириб келган «медиация» тушунчаси, унинг ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамияти нималардан иборат?

Кўпинча инсонлар низоларни тинч йўл билан, биргаликда ҳал этишни хоҳлашади, бироқ буни мустақил равишда қандай амалга оширишни билишмайди. Мана шундай ҳолатда медиация низони ҳал қилишнинг энг самарали усули сифатида намоён бўлади<sup>9</sup>.

Медиация мажбурий кучга эга бўлмаган, ихтиёрий, конфиденциал, яъни махфий ва ёпиқ жараён бўлиб, бу низолашаётган тарафларнинг ўз ихтиёрларига кўра танлаб олинган, бетараф ва холис учинчи шахснинг воситачилигида, шартномавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиққан низони шов-шувларсиз, ўзаро муносабатларни сақлаб қолиш учун муроса, ярашув йўли билан ҳуқуқий асосда ҳал этиш жараёни ҳисобланади.

Бу жараёнда низолашаётган тарафлар ихтиёрий равишда бетараф учинчи шахс ёрдамида низони ҳал қилиш йўллари топишга ҳаракат қилишади. Бетараф учинчи шахс – медиатор судья ҳам, арбитр ҳам эмас, энг муҳими, у қарорлар ва мажбурий бўлган ҳужжатлар қабул қилмайди. Келишмовчиликларни ҳал қилиш тўғрисидаги қарорни тарафларнинг ўзи қабул қилади. Медиаторнинг вазифаси фақат уларга низонинг ўзаро фойдали ечимини топишга ёрдам беришдан иборат.

Медиацияда низолашувчи тарафлар ўз ихтиёрлари билан холис шахс (медиатор) иштирокида низони ҳал этиш мақсадида шартнома тузишади. Бу судларда мавжуд бўлган иш ҳажминини камайтиришда ва шу орқали

одил судловни сифатли амалга оширилишида муҳим аҳамият касб этади. Медиация тартиботи тарафларнинг ихтиёрийлик, махфийлик, ҳамкорлик ва тенг ҳуқуқлилик, медиаторнинг холислиги ва мустақиллиги тамойиллари асосида ўтказилади.

Ш. Масадиков медиацияни тарафлар учун ўзаро мақбул келишувга эришишга кўмаклашувчи ва қарор чиқариш ҳуқуқига эга бўлмаган бетараф медиатор ёрдамида улар ўртасидаги низони ҳал қилиш усули<sup>10</sup> сифатида таърифлайди.

Ҳуқуқшунос олим Ф. Отахонов фикрича, медиация бир-бирини тушуниш ва низоли ҳолатни бартараф этувчи битим тузишга эришиш мақсадида холис шахс – медиатор (воситачи) иштирокида тарафларнинг эркин музокарага кириш йўли билан низони ҳал қилиш тамойилидир<sup>11</sup>.

В. Лисицин медиация ҳуқуқий табиатига кўра, низони ҳал қилишга олиб келмайди, медиациянинг мақсади бошқача, яъни низони тугатишдир, деган фикрни илгари суради<sup>12</sup>.

Медиациянинг мақсади низолашувчи тарафларнинг низоларини мустақил, ўзаро фойдали шартлар асосида ҳал этиш имкониятини топишга ёрдамлашишдан иборат бўлиб, унинг асосий тамойилларига тарафларнинг тенглиги, ихтиёрийлик, медиаторнинг холислиги, махфийлик, бетарафлик кабилар киради. Медиация жараёни асосан музокаралардан иборат бўлиб, унинг муваффақияти нафақат тарафларнинг келишмовчиликларини ҳал этишга бўлган хоҳиш ва иродаси, балки медиаторнинг тажрибаси ва маҳоратига ҳам боғлиқдир.

Маълумки, суд тартибида ишларни кўришда муайян даражада молиявий харажатлар ҳамда ортиқча вақт сарфланади. Демак, низони суд орқали, шу жумладан, келишув битимини тузиш йўли билан ҳал қилиш усулини медиация мезонлари билан таққосласак, медиация нисбатан самаралироқ эканлигини гувоҳи бўлаемиз.

*Биринчидан*, у суд жараёни, ҳал қилув қарорининг қонуний кучга кириши ва ижро



иши юритишга қараганда камроқ вақтни олади. Ҳатто юридик тортишувлар, одатда, бир неча даъво аризаларидан ташкил топади ва улар баъзан турли судларда кўрилади. Бунда эса, ижро варақаси орқали эришиладиган натижага қараганда музокаралар ёрдамида яхшироқ натижага эришиш мумкин.

*Иккинчидан*, суд жараёнига кўрсатиладиган юридик хизматлар учун ҳақ тўлаш билан боғлиқ харажатлар медиатор гонораридан анча кўп бўлади.

*Учинчидан*, суд жараёни яқунлангач, суд залини баъзан мурасасиз муҳолифлар тарк этса, медиация жараёнида шерикчилик муносабатларини сақлашга муваффақ бўлинади, тарафлар ҳамкорликни яна давом эттиради.

ИПК 107-моддасининг 53-бандига кўра, тарафлар ўртасида медиатив келишув тузилган тақдирда суд даъво аризасини кўрмасдан қолдиради. «Давлат божи тўғрисида»ги Қонуннинг 18-моддасига асосан, агар тарафлар ўртасида медиатив келишув тузилган бўлса, ариза кўрмасдан қолдирилганда судга тўланган давлат божи қайтарилади.

Яраштириш тартиб-таомилларидан медиатив келишувни оммалаштириш мақсадида давлат божидан озод қилиш каби имконият яратилган бўлса-да, иқтисодий процессда низони медиатив келишув билан яқунлаш кўрсаткичлари пастлигича қолмоқда. Хусусан, 2021 йилнинг 6 ойида иқтисодий судлар томонидан 83255 та иқтисодий иш кўрилган бўлса, шундан 769 таси бўйича медиатив келишув тузилганлиги сабабли даъво аризаси кўрмасдан қолдирилган.

Халқаро тажриба шуни кўрсатадики, масалан, Францияда судга келиб тушган даъво аризалари даставвал мужбурий тартибда келишув бўлимига берилади ва мазкур низо ёпиқ суд мажлисида келишув асосида ҳал қилинади. Келишув бўлимида иккала тарафдан сайланган вакиллар иштирок этиб, улар ўз фаолиятларини ишни келишув асосида тугатишга йўналтиради. Ушбу жараёнда эришилган келишув битимини расмийлаштиришнинг соддалаштирилган усули қўлланилади, яъни тарафларнинг келишув битими суднинг

ҳал қилув қарори каби кучга эга бўлган баённома билан расмийлаштирилади, ушбу босқичда иш бўйича гувоҳлар жалб этилмайди ҳамда ишдаги мавжуд далиллар суд томонидан текширилмайди, баҳоланмайди. Иш юзасидан келишувга эришилмаган тақдирдагина иш судлов бўлимида мазмунан ҳал этилади.

Шу ўринда медиация тартиб-таомилларини амалга оширишдаги баъзи камчиликларни санаб ўтмоқчимиз.

*Биринчидан*, натижага эришиш кафолатининг йўқлиги. Музокаралар жараёнига киришишда ҳатто тажрибали медиатор ҳам тарафлар охир-оқибатда ўзаро фойдали ечим топишлари мумкинлигига мутлақ кафолат беролмайди.

*Иккинчидан*, суддан ташқари тартиб-таомиллар учун қопланмайдиган харажатларнинг мавжудлиги. Суддан ташқари амалга оширилган тартиб-таомиллар муваффақиятсиз яқун топса бунда кредитор судга мурожаат қилишга мажбур бўлади. Бирок, бу ҳолда, судга даъво қўзғатишдан олдин тараф томонидан қилинган, ишни судда кўриб чиқиш билан бевосита боғлиқ бўлмаган барча харажатларни қарздордан ундириш мумкин эмас.

*Учинчидан*, низони ҳал қилиш натижасида эришилган келишувнинг ихтиёрий равишда бажарилиши. Низони ҳал қилиш натижасида эришилган келишув ихтиёрийдир. Агар у бажарилмаса, манфаатдор тараф иккинчи тарафга келишувни бажартириш учун ҳеч қандай таъсир кучига эга бўлмайди.

Келишув битими ва медиатив келишув ўртасидаги асосий фарқларни аниқлаш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Келишув битими иқтисодий суд ишларини юритишнинг ҳар қандай босқичида, хусусан, биринчи, апелляция ва кассация инстанцияси иш юритишда ва ҳатто суд ҳужжатини ижро этиш жараёнида ҳам тузилиши мумкин бўлса, медиатив келишув фақатгина биринчи инстанция судида суд алоҳида хонага (маслаҳатхонага) суд ҳужжатини қабул қилиш учун чиққунига қадар тарафлар томонидан тузилади.

Иқтисодий суд иш юритуви жараёнида тарафлар томонидан медиация тартиб-таомилини амалга ошириш тўғрисида келишув тузилганда ва судга ушбу ҳолат маълум қилинганда суд ИПК 101-моддасининг 6-бандига асосан (медиация тартиб-таомилини амалга ошириш тугагунига қадар, бироқ олтимиш кундан ортиқ бўлмаган муддатда) иш юритишни тўхтатиб туриши шарт. Тарафлар низони келишув йўли билан ҳал қилиш мақсадида суддан қўмаклашишни сўраб мурожаат қилган тақдирда суд ИПКнинг 171-моддасига асосан суд муҳокамасини кейинга қолдиришига ҳақли.

Тарафлар ўртасида тузилган келишув битими суд томонидан тасдиқланганидан кейин тузилган ҳисобланса, медиатив келишув учун ушбу тартиб жорий этилмайди, яъни медиатив келишувни суд тасдиқламайди.

Келишув битими тузилиб, у суд томонидан тасдиқланганда суд ИПК 110-моддасининг 7-бандига асосан иқтисодий иш бўйича иш юритишни тугатса, тарафлар ўртасида медиатив келишув тузилган тақдирда суд ИПК 107-моддасининг 53-банди қоидаларидан келиб чиқиб даъво аризасини кўрмасдан қолдиради.

«Давлат божи тўғрисида»ги Қонуннинг

18-моддасига асосан, агар тарафлар ўртасида медиатив келишув тузилган бўлса, ариза кўрмасдан қолдирилганда судга тўланган давлат божи қайтарилади. Бироқ, қонунчиликда келишув битими тузилганда мазкур преференция кўзда тутилмаган.

Медиатив келишув тузилганда тарафлар медиатор кўмаги учун маълум бир харажатларни амалга ошириши мумкин. Келишув битими тузишда эса тарафлар ҳеч қандай харажат қилмайди.

Агар медиатив келишув тарафлар томонидан ихтиёрий ижро этилмаса қонунчиликда уни мажбурий ижро этиш усуллари кўзда тутилмаган. Бироқ, мазкур ҳолатда тарафларда судга шу низо юзасидан такроран мурожаат қилиш ҳуқуқи сақланиб қолинади. Келишув битими ихтиёрий ижро этилмаса, уни мажбурий ижро қилиш мақсадида тарафлар ижро варақаси беришни сўраб судга мурожаат қилиши мумкин.

**К. АВЕЗОВ,**  
**Тошкент вилоят суди**  
**иқтисодий ишлар бўйича судьяси,**  
**юримдик фанлар бўйича**  
**фалсафа доктори**

1. Арбитражный процесс: Учебник. А.В. Абсалямов, И.Г. Арсенов, Е.А. Виноградова и др.; отв. ред. В.В. Янков. 4-е изд., перераб. и доп. – М.: Инфотропик Медиа, 2010. – С.880.
2. Князев Д.В. Мировое соглашение в арбитражном процессе. – Томск, 2004. – С.24.
3. Моисеев С.В. Принцип диспозитивности арбитражного процесса. – М., автореф.дисс...канд.юримдик.наук. 2001. – С.18-19.
4. Кочергин К.В. Утверждение мировых соглашений в арбитражных судах апелляционной и кассационной инстанций. Арбитражный и гражданский процесс. – 2010. – № 1.
5. Кулькова Н.С. Правовая природа мирового соглашения. Государство и право в XXI веке. – 2013, – № 2, – С. 2.
6. Ильин А.В. Право третьих лиц, не заявляющих самостоятельных требований относительно предмета спора, на возмещение судебных расходов. Арбитражный и гражданский процесс. – 2012. – №2. – С. 10.
7. Naude et al «restorative justice: a global overview of its functioning and effectiveness» (2003) 16(5).
8. Корнеев К.К. Актуальные проблемы применения альтернативных форм разрешения конфликтов в современном мире. Медиация в современном мире: проблемы и перспективы развития. Материалы Всероссийской научно-практической конференции 30 апреля 2019 года. – С. 110.
9. Шеянов В., Велькина М. Преимущества медиации. Мордовский государственный университет им. Н. П. Огарёва, – Саранск. – С. 10-11.
10. Масадиқов Ш.М. Сушность медиации и проблемы ее правового регулирования в Республике Узбекистан. Автореферат дисс. на соис. ученой степени к.ю.н. – Т.: 2008. – С.9.
11. Ф.Отахонов. Медиация: тушунчаси, мақсади ва принциплари. Ўзбекистон Республикаси Олий Хўжалик суди ахборотномаси. 1. 2017. 22-бет.
12. Лисицин В.В. Медиация – важный элемент правовой культуры российского бизнеса. СПС «Консультант-Плюс».

## ИҚТИСОДИЙ СУД ИШЛАРИНИ РАҚАМЛАШТИРИШ ЗАРУРАТИ

Бутун дунёда пандемия шароитида рақамли судларни ривожлантириш жадаллик билан олиб борилмоқда. Сунъий интеллект одил судлов соҳасидаги барча муносабатларни қамраб олмоқда.

Суд ишларини рақамлаштириш борасида Хитой дунёдаги энг илғор давлатлардан биридир. Хитойда иқтисодий даъволар тўғридан-тўғри платформаларда кўриб чиқилади ва иқтисодий иш материаллари сунъий ақл билан баҳоланади. Бироқ, якуний суд қарори судьяга тегишли бўлиб, у «компьютер қарори»ни ўзгартириши мумкин. 2019 йил охирига келиб, Хитойнинг платформа судлари қарийб уч миллионга суд ишларини кўриб чиқди. Платформада энг кўп кўрилган суд ишлари тижорат, муаллифлик ҳуқуқи ва электрон тижоратга оид низолардир.

2005 йилда Ҳиндистон суд тизимида Ахборот-коммуникация технологияларини (АКТ) жорий қилиш бўйича Миллий сиёсат ва ҳаракатлар режаси қабул қилинди. Ҳиндистон суд тизимини ўзгартиришга қаратилган Ҳиндистон Олий суди электрон кўмитаси тузилган.

Ҳозирги кунда Ҳиндистон Олий суди «Vidyo»дан, Керала Олий суди «Zoom»дан, Карнатака штати Олий суди ўзининг ички видео конференция воситасидан фойдаланмоқда, Дехли Олий суди WebEx ва бошқаларни ишлатмоқда<sup>1</sup>.

Пандемия сабабли инсон ҳуқуқларини ҳамда одил судлов фаолиятини таъминлаш дунёнинг илғор мамлакатлари учун ҳам долзарб масалалардан бири бўлиб қолди.

Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 сентябрдаги «Суд ҳокимияти органлари фаолиятини рақамлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори суд ишларини рақамлаштиришга қаратилган улкан қадамлардан биридир.

Мазкур қарорда:

– барча судларда суд мажлисларини иш бўйича тарафларнинг илтимосномаси ва раслик қилувчининг розилиги билан аудио ёзувдан фойдаланган ҳолда қайд этиб бориш ҳамда суд мажлислари баённомаларини ушбу тизимдан фойдаланган ҳолда шакллантириш;

– апелляция ва кассация инстанцияси судларида ишларни судьялар ўртасида автоматик равишда тақсимлаш;

– барча иштирокчиларни суд мажлисларининг вақти ва жойи ҳақида SMS хабар орқали бепул асосда хабардор қилиш;

– суд қарорларини иш бўйича тарафларга онлайн тарзда, уларнинг илтимосномаси бўйича эса қоғоз шаклида тақдим этиш;

– суд ҳокимияти органлари фаолиятида, шу жумладан, фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларига одил судловга эришишда қулайлик яратиш мақсадида интерактив хизматлар кўрсатишни йўлга қўйиш;

– суд ишларини давлат архивига электрон шаклда топшириш ва қабул қилиш;

– судлар, Судьялар олий кенгаши ҳамда Судьялар олий мактабида ахборот-коммуникация технологиялари инфратузилмасини янада яхшилаш кўзда тутилган.

Қарор билан тасдиқланган Судларнинг ахборот тизимларини давлат органлари ва ташкилотларининг ахборот тизимлари билан интеграция қилиш бўйича «йўл харитаси»га кўра:

– 28 та давлат органлари ва ташкилотлари, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси, Бош вазирнинг Тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхоналари ахборот тизимларини Олий суднинг ахборот тизимига босқичма-босқич улаш;

– судлар томонидан давлат органлари ва ташкилотларига тақдим этиладиган маълумотларни электрон шаклда юбориш;

– муайян ишни кўриш жараёнида за-

рур бўлган маълумотлар ва ҳужжатларни фуқароларни овора қилмаган ҳолда судлар томонидан бевосита давлат органлари ва ташкилотларидан электрон шаклда олиш;

– судлар томонидан жарималарни камай-тириш ёки уларни қўлламаслик масалаларини кўриб чиқишда «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ва бошқа ахборот тизимларининг интеграцияси орқали фуқаронинг мулкӣ ҳолати ва ижтимоий аҳволи ҳақидаги ишончли маълумотлар билан танишиш;

– судлар томонидан алимент миқдорини белгилашда туманлар кесимида ўртача ойлик иш ҳақлари тўғрисида маълумотларни ахборот тизими орқали электрон шаклда олиш белгиланган.

Ўз навбатида, мамлакатимизда иқтисодий суд иштирокчилари учун электрон воситалар (мобил иловалар, ҳужжатларни расмийлаштириш бўйича Интернет хизматлари) яратиш, иқтисодий ишларни кўриб чиқиш жараёнини тезлаштириш, хусусан, уларнинг масофадан туриб ҳал қилиш йўли билан тарафларнинг судга бормасдан мажлисларда иштирок этишини таъминлаш лозим.

Сунъий интеллектдан фойдаланган ҳолда далил ва турли фактларни кўриб чиқиш, гувоҳларни сўроқ қилиш, таржимонларни жалб қилиш тартибини жорий этиш зарурати мавжуд.

Суд ишларини рақамлаштиришнинг уч асосий зарурати бор:

– оддий халқ учун одил судловга эришиш имкониятини таъминлаш керак;

– суд-ҳуқуқ соҳасига ахборот технологиясини татбиқ этишни жадаллаштириш ўта зарур;

– «рақамли адолат»нинг халққа «хизмат» қилишини таъминлаш шарт.

Иқтисодий ишларни рақамлаштиришнинг қуйидаги хусусиятлари мавжуд:

– суд ҳужжатларини юбориш ва қабул қилиш кечиктирилмасдан амалга оширилади;

– юборилган ҳужжатлар тизимда марказлаштирилган ҳолда сақланади ва судга

мурожаатнинг ҳолатини кузатиш мумкин;

– почта жўнатмаси билан боғлиқ ва бошқа харажатлар, шунингдек судга мурожаат қилиш жараёнида ҳужжатларни йўқотиш хавфи мавжуд эмас;

– электрон суд хизматлари тун-у кун ишлайди, бу тарафларга исталган вақтда ҳужжатларни тайёрлаш ва юбориш имконини беради;

– ахборот тизимининг барча функцияларидан фойдаланилган ҳолда тарафлар суд жараёнини онлайн тарзда кузатиб бориш, реал вақт режимида маълумот олиш, вазиятга тезда жавоб бериш ва керакли ҳужжатларни юбориш имконига эга бўлади.

Маълумки, юридик шахслар электрон ҳужжатларни расмийлаштириш ва электрон хизматларнинг асосий фойдаланувчилари ҳисобланади. Демак, суд ишларини электрон майдонга ўтказиш иқтисодий ишларни расмийлаштиришни соддалаштиради ва харажатларни оптималлаштиради.

Ҳужжатларни судга шахсан топшириш ёки почта орқали жўнатиш учун кўп вақт талаб этилади. Бундан ташқари, ҳамма процессуал ҳаракатлар фақат даъво бериш билан чекланмайди. Аризаларни топшириш, ҳужжатларни далил сифатида тақдим этиш, суд ажримлари устидан шикоят қилишда иқтисодий ишларни рақамлаштириш қулайликлар яратади.

Масалан, давлат божи тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар, ишончнома, низони ҳал қилиш учун талабнома юбориш тартибига риоя қилинганлиги тўғрисидаги ҳужжатлар, тарафларнинг ёзишмалари, қарши даъво аризалари ёки эътирозлар ва бошқа ҳужжатларни электрон шаклда юбориш мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, иқтисодий суд ишларини рақамлаштириш тарафларга бирмунча қулайликлар яратади ҳамда электрон одил судловни такомиллаштишига хизмат қилади.

**Б. КЕНЖАЕВ,**

**Юқоричирчиқ туманлараро иқтисодий суди раиси**

<sup>1</sup><https://legalserviceindia.com/legal/article-3613-virtual-courts-challenges-and-opportunities.html>

## ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАРДА ЖИНОЯТ ҚОНУНИНИНГ ВАҚТ БЎЙИЧА АМАЛ ҚИЛИШИ

Жиноят қонунининг вақт бўйича амал қилиши деганда, жиноят қонуни нормаларининг аниқ (йил, ой, кун) муддатларда амалда бўлишига айтилади<sup>1</sup>.

Хорижий мамлакатлар жиноят қонунчилигида миллий қонунчиликда бўлгани каби жиноят қонунининг вақт бўйича амал қилишида эътибор қаратиладиган учта масала мавжуд.

*Биринчидан*, қилмишнинг жиноийлиги ва жазога сазоворлиги ана шу қилмиш содир этилган вақтда амалда бўлган жиноят қонуни билан белгиланади. Ушбу қоида барча давлатлар жиноят қонунларида бир хил мазмунда мустаҳкамланган. Жумладан, Озарбайжон Жиноят кодексининг 10-моддасида белгиланган қоидага кўра<sup>2</sup>, қилмишнинг (ҳаракат ёки ҳаракатсизликнинг) жиноийлиги ва жазога сазоворлиги мазкур қилмиш содир этилган вақтда амалда бўлган жиноят қонуни билан белгиланади. Ҳеч ким содир этилган вақтда жиноят деб топилмаган қилмиши учун жиноий жавобгарликка тортилмайди.

*Иккинчидан*, жиноят содир этилган вақтни аниқлашда давлатларда икки хил ёндашув амал қилади.

Биринчи ёндашувга кўра, ижтимоий хавфли қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) содир этилган вақт унинг оқибатлари юзага келган вақтидан қатъи назар, жиноят содир этилган вақт деб ҳисобланади. Бундай ёндашув Россия<sup>3</sup>, Беларусь<sup>4</sup>, Қирғиз Республикаси<sup>5</sup>, Қозоғистон<sup>6</sup>, Украина<sup>7</sup>, Молдова<sup>8</sup>, Озарбайжон<sup>9</sup>, Арманистон<sup>10</sup>, Тожикистон<sup>11</sup> жиноят қонунчилигида мустаҳкамланган. Яъни, ушбу ёндашувда жиноий оқибат масаласи жиноят содир этилган вақтни аниқлаш учун аҳамиятга эга эмас;

Иккинчи ёндашувга кўра, жиноят қонунчилигида ҳаракат ёки ҳаракатсизлик содир

қилиш пайти жиноят тамомланган пайт деб ҳисобланган бўлса, ижтимоий хавфли қилмиш бажарилган пайт жиноят содир қилинган вақт деб топилади, агар қонунда жиноий оқибат юз бериши билан жиноят тамом бўлган деб ҳисобланган бўлса, жиноий оқибат юз берган пайт жиноят содир этиш вақти деб топилади. Бундай ёндашув Туркменистон<sup>12</sup> ва Ўзбекистон<sup>13</sup> жиноят қонунчилигида мавжуд.

*Учинчидан*, жиноят қонунининг орқага қайтиш кучи ҳам муҳим ҳисобланади. Юқорида қайд этилганидек, барча давлатларда қабул қилинган умумий қоидага кўра, қилмишнинг жиноийлиги ва жазога сазоворлиги ана шу қилмиш содир этилган вақтда амалда бўлган жиноят қонуни билан белгиланади. Аммо, жиноят қонунчилиги ушбу қоидага истиснолар ҳам киритган. Жумладан, Россия Жиноят кодексининг 10-моддасига кўра<sup>14</sup>, қилмишнинг жиноийлигини бекор қиладиган, жазони енгиллаштирадиган ёки жиноят содир этган шахсининг аҳволини бошқача тарзда яхшилайдиган қонун орқага қайтиш кучига эга, яъни ушбу қонун кучга киргунга қадар тегишли жиноий қилмиш содир этган шахсларга, шу жумладан, жазони ўтаётган ёки ўтаб бўлган шахсларга нисбатан, аммо уларда судланганлик мавжуд бўлса, татбиқ этилади. Шундай норма барча давлатларнинг жиноят қонунчилигида мустаҳкамланган. Хусусан, Қозоғистон Жиноят кодексининг 6-моддасига кўра<sup>15</sup>, қилмишнинг жиноийлиги ёки жазога сазоворлигини бекор қиладиган, жавобгарликни ва жазони енгиллаштирадиган ёки жиноий ҳуқуқбузарлик содир этган шахсининг аҳволини бошқача тарзда яхшилайдиган қонун орқага қайтиш кучига эга. Ўз навбатида, янги қонунда шахс жазони ўтаётган қилмиш учун жазо енгиллаштирилса, тайинланган жазо янги чиқарилган жиноят

қонуни санкцияси доирасида камайтиради.

Шунингдек, қилмишни жиноят деб ҳисоблайдиган, жазони кучайтирадиган ёки шахсининг ҳолатини бошқача тарзда ёмонлаштирадиган қонун орқага қайтиш кучига эга эмас. Ушбу қоида барча давлатларнинг жиноят қонунчилигида акс эттирилган.

Беларусь Жиноят кодексининг 9-моддасига кўра<sup>16</sup>, қилмишнинг жиноийлигини бекор қиладиган қонун кучга кирган кундан бошлаб, у кучга киргунга қадар содир этилган қилмиш жиноят ҳисобланмайди. Агар янги жиноят қонунинида шахс жазо ўтаётган қилмиш учун тайинланиши мумкин бўлган жазо енгиллаштирилса, суд янги жиноят қонунининг санкциясига мувофиқ жазо тайинлайди. Агар жиноят содир этилган пайтдаги амалдаги жиноят қонунини жиноят қонунчилиги билан бекор қилинган ёки ўзгартирилган бўлса, қилмишнинг жиноийлигини бекор қиладиган, жазони енгиллаштирадиган ёки жиноят содир этган шахсининг ҳолатини бошқача тарзда яхшилайдиган қонун амал қилаётган вақтда жиноят иши тергов қилинаётган ёки иш судда кўриб чиқиляётган даврда бошқа «қаттиқ» жиноят қонунини кучга кирган тақдирда, энг юмшоқ жиноят қонунини қўлланилиши керак.

Украина жиноят қонунчилигида жиноят қонунининг орқага қайтиш кучига доир нормаларни қўллаш масаласига янада аниқлик киритилган. Чунончи, Жиноят кодексининг 5-моддасига кўра<sup>17</sup>, қисман жиноий жавобгарликни енгиллаштирувчи ёки шахсининг ҳолатини бошқача тарзда яхшилайдиган, шунингдек қисман жиноий жавобгарликни кучайтирадиган ёки шахсининг ҳолатини бошқача тарзда ёмонлаштирадиган жиноий жавобгарлик тўғрисидаги қонун жиноий жавобгарликни енгиллаштириш ёки шахсининг ҳолатини бошқача тарзда яхшилаш қисми бўйича орқага қайтиш кучига эга бўлади. Шунингдек, агар шахс Жиноят кодексига назарда тутилган қилмишнинг содир этганидан кейин жиноий жавобгарлик тўғрисидаги қонун бир неча бор ўзгарган бўлса, қилмишнинг жиноийлигини истисно қиладиган, жиноий жавобгарликни енгиллаштирувчи ёки шахсининг ҳолатини бошқача тарзда яхшилайдиган жиноий жавобгарлик

тўғрисидаги қонун орқага қайтиш кучига эга.

Молдова жиноят қонунчилигида якуний жазо тайинлашда қулайроқ бўлган жиноят қонунини қўллаш масаласи бўйича алоҳида модда ажратилган<sup>18</sup>. Унга кўра, агар айблов ҳукми чиқарилгандан кейин ҳамда озодликдан маҳрум қилиш, жамият фойдаси учун иш ҳақи тўланмайдиган меҳнат ёки жарима жазолари тўлиқ ижро этилгунга қадар, ушбу жазоларнинг ҳар қандай турини назарда тутадиган, аммо юқори чегараси паст бўлган қонун қабул қилинса, янги қонун билан содир этилган жиноят учун назарда тутилган юқори чегарадан ошиб кетган тақдирда тайинланган жазо ушбу юқори чегарага туширилади.

Агар умрбод озодликдан маҳрум қилиш тўғрисидаги ҳукм якуний деб топилганидан кейин ва у ижро этилгунга қадар худди шу жиноят учун фақат озодликдан маҳрум қилишни назарда тутувчи қонун қабул қилинса, умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси янги қонун билан ушбу жиноят учун назарда тутилган максимал муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси билан алмаштирилади.

Агар янги қонунда озодликдан маҳрум қилиш жазоси ўрнига фақат жамият фойдаси учун иш ҳақи тўланмайдиган меҳнат ёки жарима жазоси назарда тутилган бўлса, тайинланган жазо тўсиқлар мавжуд бўлмаса, янги қонун билан назарда тутилган юқори чегарадан ошмаган ҳолда жамият фойдасига иш ҳақи тўланмайдиган меҳнат шаклидаги жазо билан алмаштирилади. Янги қонунда озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо ўрнига фақат жарима жазоси назарда тутилган бўлса, тайинланган жазо янги қонунда назарда тутилган юқори чегарадан ошмаган ҳолда жарима жазоси билан алмаштирилади. Озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги қисман ўталган жазони ҳисобга олган ҳолда, жамият фойдасига иш ҳақи тўланмайдиган меҳнат ёки тегишли ҳолларда жарима жазосининг ижро этилиши тўлиқ ёки қисман бекор қилиниши мумкин.

Янги қонунда назарда тутилмаган кўшимча жазолар, хавфсизлик чоралари ижро этилмайди.

Шахс жазони ижро этаётган қилмиш янги қонуннинг қоидаларига мувофиқ жиноят тар-

кибига кирмаса, аммо ҳуқуқбузарлик ҳисобланса, санкцияда назарда тутилган жазо тури ва миқдоридан қатъи назар, ҳуқуқбузарлик учун жазо қўлланилмайди.

Жиноят қонунининг орқага қайтиш кучи асосида суднинг қонуний кучга кирган қарори билан белгиланган хатти-ҳаракатни қайта квалификация қилиш зарур бўлса, суд ижро этиш масаласини кўриб чиқиб, қонуний кучга кирган қарор билан тайинланган жазо янги жиноят қонунчилигида назарда тутилган юқори чегарадан ошиб кетса, қилмишни қайта квалификация қилади ва қулайроқ бўлган жиноят қонунчилигида назарда тутилган энг юқори санкцияни белгилаш орқали жазо тайинлайди ёки қонуний кучга кирган қарор билан тайин-

ланган жазони ўзгаришсиз қолдиради.

Юқоридаги таҳлиллар шуни кўрсатадики, Ўзбекистон жиноят қонунчилигида жиноят қонунининг вақт бўйича амал қилишига доир умумий қоидаларгина мустаҳкамланган. Ушбу қоидаларни қўллашнинг аниқ механизмлари, жиноят қонунини қўллашда юзага келадиган бир қанча муаммоли ҳолатларнинг, афсуски, миллий жиноят қонунчилигимизда ечими мавжуд эмас. Бу борада хорижий давлатларнинг ижобий тажрибаларини миллий қонунчилигимизга киритиш орқали бўшлиқлар бартараф этилиши мумкин.

**З. НУРМАТОВ,  
ТДЮУ тадқиқотчиси**

<sup>1</sup> Очилов Х.Р., Хайдаров Ш.Д., Шамсидинов З.З. «Жиноят ҳуқуқи» (Умумий қисм). Ўқув қўлланма. – Тошкент: ТДЮУ, 2021. – 15-б.

<sup>2</sup> Уголовный кодекс Азербайджанской Республики (утвержден Законом Азербайджанской Республики от 30 декабря 1999 года № 787-IQ) (с изменениями и дополнениями по состоянию на 06.10.2020 г.). // [www.continent-online.com/Document/?doc\\_id=30420353](http://www.continent-online.com/Document/?doc_id=30420353).

<sup>3</sup> Уголовный кодекс Российской Федерации от 13.06.1996 № 63-ФЗ (ред. от 05.04.2021, с изм. от 08.04.2021). // [www.consultant.ru/document/cons\\_doc\\_LAW\\_10699/](http://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_10699/).

<sup>4</sup> Уголовный кодекс Республики Беларусь от 9 июля 1999 года № 275-3 (с изменениями и дополнениями по состоянию на 06.01.2021 г.). // [www.online.zakon.kz/document/?doc\\_id=30414984](http://www.online.zakon.kz/document/?doc_id=30414984).

<sup>5</sup> Уголовный кодекс Кыргызской Республики (с изменениями и дополнениями по состоянию на 31.12.2020 г.). // [www.continent-online.com/Document/?doc\\_id=34350840](http://www.continent-online.com/Document/?doc_id=34350840).

<sup>6</sup> Уголовный кодекс Республики Казахстан (с изменениями и дополнениями по состоянию на 30.12.2020 г.). // [www.online.zakon.kz/document/?doc\\_id=31575252](http://www.online.zakon.kz/document/?doc_id=31575252).

<sup>7</sup> Уголовный кодекс Украины от 5 апреля 2001 года № 2341-III (с изменениями и дополнениями по состоянию на 02.03.2021 г.) // [www.continent-online.com/Document/?doc\\_id=30418109](http://www.continent-online.com/Document/?doc_id=30418109).

<sup>8</sup> Уголовный кодекс Республики Молдова от 18 апреля 2002 года № 985-XV. // [www.continent-online.com/Document/?doc\\_id=30394923#pos=179;-162](http://www.continent-online.com/Document/?doc_id=30394923#pos=179;-162).

<sup>9</sup> Уголовный кодекс Азербайджанской Республики (утвержден Законом Азербайджанской Республики от 30 декабря 1999 года № 787-IQ) (с изменениями и дополнениями по состоянию на 06.10.2020 г.). // [www.continent-online.com/Document/?doc\\_id=30420353](http://www.continent-online.com/Document/?doc_id=30420353).

<sup>10</sup> Уголовный Кодекс Республики Армения // [www.parliament.am/legislation.php?sel=show&ID=1349&lang=rus#2](http://www.parliament.am/legislation.php?sel=show&ID=1349&lang=rus#2).

<sup>11</sup> Уголовный кодекс Республики Таджикистан от 21 мая 1998 года № 574 (с изменениями и дополнениями по состоянию на 17.12.2020 г.) // [www.continent-online.com/Document/?doc\\_id=30397325#pos=8;-144](http://www.continent-online.com/Document/?doc_id=30397325#pos=8;-144).

<sup>12</sup> Уголовный кодекс Туркменистана. // [www.wipo.int/edocs/lexdocs/laws/ru/tm/tm015ru.pdf](http://www.wipo.int/edocs/lexdocs/laws/ru/tm/tm015ru.pdf).

<sup>13</sup> Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. // [www.lex.uz/docs/111453](http://www.lex.uz/docs/111453).

<sup>14</sup> Уголовный кодекс Российской Федерации от 13.06.1996 № 63-ФЗ (ред. от 05.04.2021, с изм. от 08.04.2021). // [www.consultant.ru/document/cons\\_doc\\_LAW\\_10699/](http://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_10699/).

<sup>15</sup> Уголовный кодекс Республики Казахстан (с изменениями и дополнениями по состоянию на 30.12.2020 г.). // [www.online.zakon.kz/document/?doc\\_id=31575252](http://www.online.zakon.kz/document/?doc_id=31575252).

<sup>16</sup> Уголовный кодекс Республики Беларусь от 9 июля 1999 года № 275-3 (с изменениями и дополнениями по состоянию на 06.01.2021 г.). // [www.online.zakon.kz/document/?doc\\_id=30414984](http://www.online.zakon.kz/document/?doc_id=30414984).

<sup>17</sup> Уголовный кодекс Украины от 5 апреля 2001 года № 2341-III (с изменениями и дополнениями по состоянию на 02.03.2021 г.) // [www.continent-online.com/Document/?doc\\_id=30418109](http://www.continent-online.com/Document/?doc_id=30418109).

<sup>18</sup> Уголовный кодекс Республики Молдова от 18 апреля 2002 года № 985-XV. // [www.continent-online.com/Document/?doc\\_id=30394923#pos=179;-162](http://www.continent-online.com/Document/?doc_id=30394923#pos=179;-162).

## СУД ҲОКИМИЯТИНИНГ НОРМА ИЖОДКОРЛИГИ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Суд ҳокимиятига оид барча масалаларнинг судьялар ҳамжамияти томонидан мустақил ҳал қилиниши, судларнинг ички ва ташқи фаолияти ташқи аралашувларсиз амалга оширилиши ҳокимиятлар бўлиниши принципнинг амалдаги ифодаси, демократик давлатнинг белгиларидан биридир. Илмий хулосалар ҳамда халқаро тавсиялар шундан далолат берадики, судларнинг ўзини ўзи бошқариши улар фаолиятига оид муносабатларни тартибга солувчи тегишли ҳужжатларнинг ҳам ўзлари томонидан қабул қилинишини, яъни қонун ижодкорлиги билан шуғулланишини тақозо этади. Жумладан, Олий суд қонунчилик ташаббуси ҳуқуқидан фойдаланиб, судларнинг тузилиши ва фаолияти, одил судловни амалга ошириш билан боғлиқ қонун ҳужжатлари лойиҳаларини ишлаб чиқиш, шунингдек қонун ҳужжатлари лойиҳаларига расмий фикр билдириш ҳуқуқига эга. Судьялар ҳамжамияти органи бўлмиш Судьялар олий кенгаши эса судьяларнинг одоб-ахлоқ кодексини, судьялар фаолиятини ўрганиш ва баҳолаш мезонларини тасдиқлаш каби ваколатларга эга. Ушбу ваколатлар суд ҳокимиятига тааллуқли масалалар бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинишида суд органларининг мажбурий тартибда иштирокини ҳамда уларнинг фикрини ҳисобга олишни таъминлайди. Бироқ, ушбу ваколатлар том маънода суд ҳокимиятининг қонун ижодкорлиги фаолиятини англамайди, зеро мазкур қарорлар фақат судья ва суд ходимлари учун мажбурий кучга эга ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 110-моддасида суд ҳужжатларининг бутун республика ҳудудида умуммажбурий характерга эгаллиги<sup>1</sup> белгиланганига қара-

масдан, ушбу норма фақат қонуний кучга кирган суд қарорларига тааллуқли бўлиб, суд ҳокимияти фаолиятининг ташкилий, идоравий ва маъмурий жиҳатларини қамраб олмайди. Натижада суд ҳокимияти судлар ва учинчи шахслар ўртасида вужудга келадиган, процессуал характерга эга бўлмаган масалаларни тартибга солиш имкониятига эга эмас. Жумладан, фуқароларнинг суд биносида бўлиш қоидаларини, судьялар билан муомала маданиятига риоя қилиш тартибини белгилаш, мансабдор шахсларнинг судьяларга босим ёки таъсирини тақиқлаш ва ҳ.к. Ваҳоланки, Олий Мажлиснинг палаталари ва халқ депутатлари Кенгашлари ўзларининг ваколати доирасида қарорлар қабул қилиш, Вазирлар Маҳкамаси ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари эса ижро органи сифатида норматив-ҳуқуқий характерга эга бўлган қарор, фармойишлар қабул қилиш ваколатига эга<sup>2</sup>.

Қонунчиликдаги мазкур бўшлиқлар судлар фаолиятида вужудга келиши мумкин бўлган муаммоларни суд ҳокимияти томонидан амалдаги қонун ижодкорлиги тартибига риоя этмасдан, мустақил ҳал қилишга тўсқинлик қилади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 8 августдаги «Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ–5505-сонли Фармонида давлат органлари томонидан қонун ва қонуности ҳужжатларни ишлаб чиқиш ҳамда қабул қилиш ташаббусига фақатгина ушбу органларнинг кўтарилаётган масалалар ёки муаммоларни қонун ҳужжатларида назарда тутилган амалдаги нормалар ва маъмурий тартиб-таомиллар орқали ҳал қилиш ваколати бўлмаган тақдирда йўл қўйили-



ши назарда тутилган<sup>3</sup>. Қайд этилганларга кўра, суд ҳокимиятининг ушбу соҳада мустақиллигини таъминлаш мақсадида судлар фаолиятига оид ташкилий-ҳуқуқий ва бошқа идоралараро масалалар бўйича Судьялар олий кенгашига норматив-ҳуқуқий характерга эга бўлган қарор қабул қилиш ваколатини беришни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Мазкур ваколатнинг қонунчиликда белгиланиши суд ҳокимиятига оид ташкилий-ҳуқуқий масалаларни ҳал қилишда ягона ёндашувни таъминлаш ҳамда бу йўналишда суд ҳокимиятининг ўрнини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Қайд этиш лозимки, одил судловни амалга ошириш баробарида, суд ҳокимиятига оид ҳар қандай ташкилий-ҳуқуқий масалалар, шу жумладан, судларга оид норма ижодкорлиги Судьялар олий кенгаши ва судьяларнинг малака ҳайъатлари иштирокида ҳал қилинмоғи лозим. Бирок, амалиётда мазкур органларнинг бу йўналишдаги вазифа ва ваколатлари аниқ белгиланмаганлиги боис, судларга оид қонун ҳужжатларини қабул қилишда уларнинг ўрни ва роли сезиларли даражада эмас. Е.Бурдинанинг асосли таъкидлашича, барча босқичдаги судьялар кенгашларининг суд тизими, судьялар мақоми ва суд ишларини юритишга оид қонунчиликни такомиллаштиришдаги иштироки уларнинг асосий вазифаларидан бири бўлса-да, ҳозиргача қонунда мустаҳкамланмаган. Судьялар уларнинг мақоми, судларнинг тузилиши, суд ишларини юритиш масалаларини ҳал қилишда четда туриши мумкин эмас<sup>4</sup>.

Судьялар мақоми ҳақидаги Европа хартиясига кўра, судьялар ўзларининг вакиллари ва профессионал ташкилотлари орқали судларни бошқариш билан боғлиқ қарорлар қабул қилишда иштирок этадилар. Худди шу тартибда уларнинг қонунини ўзгартириш режалари бўйича судьялар билан маслаҳатлашувлар ўтказилади<sup>5</sup>. Европа судьялари маслаҳат кенгашининг «Жамиятга хизмат қилиш бўйича суд ҳокимияти кенгаши ҳақи-

да»ги 10-сонли хулосасининг 87-бандига кўра, судьяларнинг мақоми, одил судловни амалга ошириш, процессуал нормаларга оид ҳамда суд органларига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган барча қонун лойиҳалари парламентда муҳокама қилингунига қадар Суд ҳокимияти кенгашининг фикри талаб қилиниши зарур. Кенгашларнинг ушбу маслаҳат бериш функцияси барча давлатлар томонидан тан олинishi шарт<sup>6</sup>.

«Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши тўғрисида»ги Қонунда ва «Судьяларнинг малака ҳайъатлари тўғрисида»ги низомда судьялар ҳамжамияти органларининг норма ижодкорлиги фаолиятидаги иштирокига оид ваколатлари белгиланмаган, фақат қайд этилган Қонуннинг 7-моддасида Кенгаш суд-ҳуқуқ соҳасидаги қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш, суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини ва ягона суд амалиётини таъминлаш, одил судловга эришиш даражасини ва уни амалга ошириш сифатини яхшилаш бўйича таклифларни Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Пленуми кўриб чиқиши учун киритиши назарда тутилган.

Россия Федерациясининг «Судьялар ҳамжамияти органлари тўғрисида»ги Қонунининг 10-моддасида федерал субъектларнинг Судьялар кенгаши вакиллари судьялар фаолиятини моддий-техник таъминлаш ва суд аппарати ходимларига ҳақ тўлаш харажатлари қисми бўйича бюджет лойиҳасини ишлаб чиқишда олий ижро органи билан ҳамкорлик қилишлари<sup>7</sup>, Қирғизистон Республикасининг Судьялар олий кенгаши судлар фаолиятини такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш, судлар ва судьялар фаолиятига оид қонун лойиҳалари, бошқа норматив ва норматив бўлмаган ҳужжатларни экспертиза қилиш ваколатига эгаллиги назарда тутилган<sup>8</sup>.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, судлар ва судьялар ҳамжамияти органлари фаолияти ва судьялар мақоми билан боғлиқ ҳар қандай қонун ва қонуности ҳужжатлари қабул

қилиниши жараёнида Судьялар олий кенгаши билан келишиш (виза олиш) ҳақидаги мажбурий талабни, шунингдек бу борадаги судьялар ҳамжамияти органларининг ваколатларини қонунда белгилаш мақсадга мувофиқдир.

Суд ҳокимиятининг қонунчилик ташаббусига эга бўлган субъект сифатида Бош комусимизда эътироф этилганлиги, Олий суд Пленуми ҳамда суд қарорларининг барча учун мажбурий характерга эгаллигининг қонунчиликда мустақамлаб қўйилганлиги, шубҳасиз, унинг қонунчилик ва ижро ҳокимиятидан ушбу соҳада мустақиллигини таъминловчи қафолатлардан биридир. Суд ҳокимияти ушбу ваколат орқали қонун ижодкорлиги фаолиятини амалга ошириши, ўзининг фаолиятига оид ҳар қандай масалада қонунчиликка таклифлар киритиши мумкинлиги натижасида ўзининг алоҳида ҳокимият субъекти эканлигини намоён қилиш баробарида, бошқа ҳокимият тармоқларига ҳам маълум маънода таъсир ўтказди. Бироқ, миллий қонунчилигимизда Олий суд ва Конституциявий суднинг қонунчилик ташаббуси ҳуқуқини амалга ошириш механизми назарда тутилмаган, бу борада ягона амалиёт мавжуд эмас, ушбу жараёнда барча судьяларнинг ҳамда судьялар ҳамжамияти органларининг бевосита ёки билвосита иштирокини таъминлаш назарда тутилмаган. Жумладан:

*биринчидан*, қонунда судьялар ва судьялар ҳамжамияти органларининг қонунчиликка таклиф билан Олий судга ёки Конституциявий судга мурожаат этган тақдирда, уни амалга ошириш тартиби назарда тутилмаган. «Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида»ги Қонуннинг 8-моддасида қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга бўлмаган давлат органлари, нодавлат ташкилотлар ва фуқаролар қонунлар лойиҳаларини ёки янги қонун қабул қилиниши, қонунга ўзгартишлар, қўшимчалар киритилиши,

шунингдек амалдаги қонунни ёки унинг бир қисмини ўз кучини йўқотган деб топиш зарурлиги тўғрисидаги таклифларни қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъекти кўриб чиқиши учун киритиши мумкинлиги белгиланган бўлиб, уни реализация қилиш механизми белгиланмаган. Бу эса, ўз навбатида, киритилган таклифларнинг узок муддат давомида кўриб чиқилиши, асосиз қайтарилиши ёки рад этилиши каби салбий ҳолатларга сабаб бўлиши мумкин;

*иккинчидан*, «Судлар тўғрисида»ги Қонуннинг 6-моддасида Олий суднинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасида қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эгаллиги белгиланган бўлса-да, қонунчиликка таклифларни ишлаб чиқиш асослари ва субъектлар доираси, уларни Олий суд томонидан парламентга киритиш тартиби қонунда белгиланмаган. Бу борадаги қоида «Қонун лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида»ги Қонуннинг 26-моддасида белгиланган бўлиб, унга кўра Олий суд қонун лойиҳасини Қонунчилик палатасига киритиш тўғрисидаги масалани ўз Пленумида муҳокама қилади. Натижада Пленум аъзоларидан ташқари барча кўйи суд судьялари ва мутахассислари қабул қилинаётган қонун лойиҳаларидан бехабар бўлиб, қонун ижодкорлиги фаолиятида иштирок этиш имкониятига эга бўлмаслиги мумкин. Шу боис, «Судлар тўғрисида»ги Қонунда Олий суднинг қонунчилик ташаббусидан фойдаланиш асослари ва тартибини, шу жумладан, судья томонидан қонунчиликка таклиф бериш ва уни кўриб чиқиш механизмини, лойиҳани Пленумда муҳокама қилиш жараёнида барча бўғин судьялари ёки улар вакилларининг фикрини олиш мажбурийлиги ҳақидаги талабларни белгилаш таклиф этилади.

Маълумки, амалдаги қонун ҳужжатларида суд ҳокимиятига оид бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижро ҳокимияти – Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул

қилинган. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 31 октябрдаги «Судьяларга, суд органлари ходимларига, Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси, прокуратура органлари, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти, Давлат солиқ хизмати ва Давлат божхона хизмати органлари ходимларига имтиёзли шартларда уй-жой сотиб олишга узоқ муддатли ипотека кредитлари бериш тартиби тўғрисидаги низомни ҳамда судьяларга, суд органлари ходимларига, Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси, прокуратура органлари, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти, Давлат солиқ хизмати ва Давлат божхона хизмати органлари ходимларига уй-жойларни ижарага олганлик (ижарага турганлик) учун ҳар ойлик пул компенсацияси тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 312-сонли қарори билан судьяларга, суд органлари ходимларига имтиёзли шартларда уй-жой сотиб олишга узоқ муддатли ипотека кредитлари бериш ҳамда судьяларга, суд органлари ходимларига уй-жойларни ижарага олганлик учун пул компенсацияси тўлашни тартибга солишни назарда тутувчи низомлар тасдиқланган, 2019 йил 9 январдаги «Судьялар ва уларнинг оила аъзолари пенсия таъминоти шартлари, меъёрлари ҳамда тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 11-сонли қарори билан судьялар ва улар оила аъзоларининг пенсия таъминоти шартлари, меъёрлари ҳамда тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланган. Қайд этиш лозимки, судларнинг фаолиятига, шу жумладан, судьяларнинг моддий таъминоти ва ижтимоий муҳофазасига оид масалаларнинг ижро органи томонидан ҳал этилиши судлар мустақиллигини маълум маънода чекланишига сабаб бўлади, зеро ижро органи мазкур ваколатларни амалга ошириш жараёнида судларга тазйиқ ўтказиши ёки

келгусида улар фаолиятига таъсир ўтказиш имкониятига эга бўлиши мумкин. Ҳатто, ижро органининг ҳужжати Давлат раҳбарининг кўрсатмаси асосида қабул қилинган ҳолларда ҳам, ушбу ҳужжатнинг мазмуни унга асос бўлган раҳбарий кўрсатма ёки қарордан фарқ қилиши мумкин. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 июлдаги «Суд-ҳуқуқ тизимини янада такомиллаштириш ва суд ҳоқимияти органларига ишончни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5482-сонли Фармонининг 9-бандида Олий судга Марказий банк билан биргаликда Вазирлар Маҳкамасига судьяларга автомобиль сотиб олиш учун имтиёзли кредитлар тақдим этишни назарда тутадиган таклиф киритиш белгиланган бўлиб<sup>9</sup>, унинг ижроси юзасидан 2018 йил 20 декабрда Вазирлар Маҳкамасининг «Судьяларни ижтимоий қўллаб-қувватлашга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 1036-сонли қарори қабул қилинган. Бироқ, қарорнинг 3-бандида АТ «Халқ банки»га Олий суд билан биргаликда автотранспорт воситаларини сотиб олиш учун имтиёзли кредитлар берилишини таъминлаш мақсадида Суд ҳоқимияти органларини ривожлантириш жамғармасининг бўш турган маблағларини депозит ҳисоб рақамларга келишилган йиллик фоиз ставкасида жойлаштириш масаласини ишлаб чиқиш юклатилган<sup>10</sup>. Жамғармада эса бўш турган пул маблағлари мавжуд эмаслиги боис, банкнинг депозит ҳисоб рақамига пул маблағи жойлаштирилмаган ва натижада ушбу имтиёздан амалда фойдаланиш имконияти чекланган. Бундан ташқари, Вазирлар Маҳкамасининг мазкур қарори Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 12 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукуматининг айрим ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз қучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида»ги ПФ-5893-сонли Фармони билан ўзгартирилиб, унга кўра кредит бўйича фоиз став-

каси – 2019 йил 31 декабрига қадар кредит бериш санасида амалда бўлган Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаштириш ставкасидан ошмаган миқдорда, 2020 йил 1 январдан бошлаб – тижорат банклари томонидан бозор тамойиллари асосида мустақил равишда белгиланадиган ставкаларда ўрнатилиши белгиланган<sup>11</sup>.

Юқоридагиларга кўра, судлар фаолиятига, шу жумладан, уларни молиялаштириш, судьяларни ижтимоий муҳофаза қилиш ва бошқа масалаларга оид ҳар қандай қоидаларни фақат махсус қонунларда белгилаш мумкинлиги ҳақидаги кафолатни «Судлар тўғрисида»ги Қонунда белгилаш мақсадга мувофиқдир.

Суд ҳокимиятининг норма ижодкорлиги фаолияти самарадорлигини ошириш, бу борада судьяларнинг фаоллигини янада кучайтириш мақсадида ушбу фаолиятни олдиндан режалаштириш ва рағбатлантириш тизимини жорий қилиш лозим. Бундан ташқари, Олий суд тузилмасида ташкил этилган Суд-ҳуқуқ соҳасидаги қонунчиликни таҳлил қилиш бошқармаси ва унга бўйсунувчи бўлимларнинг асосий вазифаларидан бири этиб суд амалиётини умумлаштириб бориш эканлигини белгилаш лозим. Қуйи судларда эса, бундай тузилманинг мавжуд эмаслиги норма ижодкорлигига барча судьяларни жалб қилиш имконини бермаслигини эътиборга олиб, барча вилоят судлари тузилмасида доимий равишда суд амалиётини умумлаштириб боришга, уларни таҳлил қилган ҳолда мавжуд муаммоларнинг ечимига оид қонунчиликка таклифларни ишлаб чиқишга ихтисослашган «Суд амалиётини умумлаштириш ва таҳлил қилиш» бўлимларини тузиш таклиф этилади.

Суд органларининг қонун ижодкорлиги фаолияти уларнинг қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва Олий Мажлисга киритиш ваколати баробарида, мавжуд қонун ҳужжатларини қўллаш юзасидан мажбурий характерга эга бўлган тушунтиришлар бериш

ҳамда қонун ҳужжатларини қўллашда муқобил усуллардан фойдаланиш орқали ҳам амалга оширилади.

Г.Ф.Шершеневичнинг таъкидлашича, қатъий қонунни қўллаш ўрнига судьяларнинг адолат ва мақсадга мувофиқлик нуқтаи назаридан уларга муносабат билдириши хавфли ҳисобланади, унга йўл қўйиб бўлмайди. Акс ҳолда қонунийлик, олдиндан белгилаш ва ҳуқуқий тартибга солишнинг муайянлигига қўйиладиган талаблар қўпол равишда бузилади. Қонуншунос эса аста-секин ўзининг ҳуқуқий лаёқатини йўқотади, чунки унинг ваколатларини судьялар эгаллай бошлайди, жамиятда эса қонунчиликда белгиланган ёки судьялар томонидан қўлланадиган ҳуқуқ амал қилиши борасида қонунларга ишонч йўқолади. Суднинг бундай ҳуқуқ ижодкорлигининг зарарли таъсири унинг яққол субъективлиги, яъни ҳар бир судьянинг муайян ҳуқуқ нормасини турлича талқин этиши мумкинлиги билан ҳам ифодаланади<sup>12</sup>. Бошқа бир гуруҳ олимлар эса бунинг аксини, яъни судьяларга ҳуқуқий нормаларни уларнинг руҳига, яъни мақсадга мувофиқлигига кўра низоли ишга қўллашга рухсат бериш зарурлигини таъкидлашади. Бунда, судья ҳуқуқий низони ҳал қилишда қонуншунос иродасини аниқлаштиради, айниса, бу амалда ҳуқуқий норманинг мавжуд эмаслиги ёки унинг турлича талқин қилинишида яққол намоён бўлади. Ушбу ҳолатда судья қонуншуноснинг иродаси мазмунидан келиб чиқиб, ҳуқуқий бўшлиқни ўз қарори билан тўлдиради ҳамда низонинг тарафлари учун ҳуқуқий асос яратади<sup>13</sup>.

Фикримизча, Олий суд Пленумининг қонунни қўллаш бўйича тушунтиришлари норматив-ҳуқуқий ҳужжат сифатида белгиланган тартибда давлат рўйхатига олинганидан сўнггина судьялар учун мажбурий бўлиши лозим. Акс ҳолда судья унга ўз хоҳишига кўра амал қилиш масаласини ҳал қилиши мақсадга мувофиқ.

Бундан ташқари, қонун ҳужжатларини қўллаш юзасидан тушунтиришлар ишлаб

чиқиш жараёни манфаатдор идоралар, шу жумладан, прокуратура органлари билан ҳам келишишни назарда тутди, келишмовчиликлар вужудга келган ҳолларда эса, Пленум мажлисидан сўнг икки орган ўртасида ишчи комиссияси тузилиб, уни бартараф этиш чоралари кўрилади. Бу эса, Пленум аъзолари томонидан маъқулланган қарорни қайта кўриб чиқиш, унга ўзгартириш ва қўшимча киритишни ҳам истисно этмайди. Шу боис, Пленумнинг мазкур мазмундаги қарорларини белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказиш ҳам қонунийликни, ҳам суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлайди.

«Судлар тўғрисида»ги Қонуннинг 9-моддасига мувофиқ, судьялар фақат қонунга бўйсундилар. Шунингдек, процессуал кодексларда ҳам судьяларнинг суд ишларини фақат қонун ҳужжатлари асосида ҳал қилиши лозимлиги белгиланган. Хусусан, Фуқаролик процессуал кодексининг 14-моддасида суд ишларни Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари асосида ҳал қилиши шартлиги, суд, агар Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига зид бўлмаса, бошқа қонун ҳужжатларини ҳам қўллаши, низоли муносабатни тартибга соладиган ҳуқуқ нормалари мавжуд бўлмаган тақдирда, суд шунга ўхшаш муносабатларни тартибга соладиган ҳуқуқ нормаларини қўллаши, бундай нормалар мавжуд бўлмаганда эса низони қонунларнинг умумий асослари ва мазмунидан келиб чиққан ҳолда ҳал этиши назарда тутилган<sup>14</sup>. Фуқаролик кодексининг 6-моддасига кўра ҳам фуқаролик қонун ҳужжатларида тегишли нормалар бўлмаган тақдирда, бу муносабатларни тартибга солишда маҳаллий одат ва анъаналар қўлланилади.

Қонунчиликда назарда тутилган мазкур ваколатлар судларга муайян низони ҳал қилишда мавжуд қонун ҳужжатларини қўллашда муқобил усуллардан фойдаланиш асосида масалага ечим топган ҳолда суд амалиётини яратишга имкон беради. Наза-

римизда, суд ишини қонун ҳужжатида эмас, балки муайян одат ва анъаналарга, қонунларнинг умумий мазмунидан келиб чиққан субъектив хулосага асосланиб қарор қабул қилиш суднинг норма ижодкорлиги фаолиятининг бир кўринишидир. Зеро, мазкур амалиёт шунга ўхшаш кейинги суд низоларини ҳал қилишда ҳуқуқий асос вазифасини ҳам бажариши мумкин. Бинобарин, Фуқаролик процессуал кодексининг 75-моддасида исботлашдан озод қилиш асослари белгиланган бўлиб, унга кўра, фуқаролик, иқтисодий, маъмурий ва жиноят ишлари бўйича суднинг қонуний кучга кирган қарори билан аниқланган фактлар худди шу шахслар иштирок этаётган бошқа ишларда янгидан исбот қилинмайди<sup>15</sup>.

Е.Стребкова ҳам судларнинг норма ижодкорлиги масаласига шу нуқтаи назардан ёндашиб, қуйидаги хулосани билдиради: «Замонавий босқичда суд ҳокимияти ривожланиш даражасининг кучайиши суд прецедентининг кенг қўлланилиши билан боғлиқ бўлиб, судьялар қарор қабул қилишда юқори судларнинг фикрига асосландилар, моҳиятан бу прецедент ҳисобланиб, суд амалиёти ўзининг ривожланишида қонунчилик жараёнидан ўзиб кетди, у нисбатан мослашувчан (юмшоқ) бўлгани боис ўзгарувчан ҳуқуқий ҳолатни тезроқ ҳисобга олади. Бунинг барчаси суд ҳокимиятининг норма ижодкорлиги функциясини амалга оширишидан далолат беради»<sup>16</sup>.

Бундан ташқари, судлар норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ўзаро нисбатига баҳо бериш орқали қонун назоратини ҳам амалга оширадилар. Хусусан, «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонуннинг 18-моддасига мувофиқ, норматив-ҳуқуқий ҳужжат ўзига нисбатан юқори юридик кучга эга бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ бўлиши шарт, улар ўртасида тафовут бўлган тақдирда юқори юридик кучга эга бўлган ёки тенг юридик кучга эга норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ўртасида кейинроқ қабул қилинган ҳужжат қўл-

ланилади<sup>17</sup>. Ушбу ваколатни қўллаш орқали судлар муайян норматив-ҳуқуқий ҳужжатни юқори кучга эга бўлган қонун ҳужжатларига мувофиқлигини текшириш орқали уларга баҳо берадилар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг Конституцияга мувофиқлиги тўғрисида Конституциявий судга мурожаат қиладилар. Ўз навбатида, Конституциявий суд ҳам қонун ва қонуности ҳужжатларининг, давлатлараро шартномавий ва бошқа мажбуриятларнинг Конституцияга мувофиқлигини аниқлаш, Қорақалпоғистон Республикаси Конституцияси ва қонунларининг Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига мувофиқлиги тўғрисида хулоса бериш, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари нормаларига шарҳ бериш орқали қонун назоратини амалга оширади. Конституциявий суднинг мазкур вазифани амалга ошириши унинг норма ижодкорлиги фаолиятида ҳам билвосита ва

пассив иштирок этишини англатади.

Хулоса ўрнида таъкидлаш лозимки, суд ҳокимиятининг қонунчилик ташаббусига эга бўлган субъект сифатида Конституцияда белгиланганлиги, шубҳасиз, унинг қонунчилик ва ижро ҳокимиятидан мустақиллигини таъминловчи кафолатлардан биридир. Шу боис, суд ҳокимиятининг ўзини ўзи бошқариши принципини ҳамда бошқа ҳокимият тармоқларидан мустақил ҳолда фаолият юритишини амалда рўёбга чиқаришда унинг қонун ижодкорлиги ваколатига оид нормалар қонунда махсус белгиланиши, шунингдек судларнинг мазкур ваколатдан фаол фойдаланиши талаб этилади.

**Д. АРИПОВ,**  
**Ўзбекистон Республикаси**  
**Судьялар олий кенгаши хузуридаги**  
**Судьялар олий мактаби директори**  
**маслаҳатчиси, ю.ф.н., доцент**

<sup>1</sup> <https://lex.uz/docs/20596>.

<sup>2</sup> «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонуннинг 5, 9-13-моддалари. <https://www.lex.uz/docs/29010>.

<sup>3</sup> <https://lex.uz/docs/3858817>.

<sup>4</sup> Бурдина Е.В. Многофункциональность органов судебной власти как гарантия независимости судебной власти. Актуальные проблемы российского права. - 2015. № 8 (57).

<sup>5</sup> Европейская хартия о статусе судей. Страсбург, 8-10 июля 1998 г. П.1.8. <http://docs.cntd.ru/document/901927869>.

<sup>6</sup> [https://www.unodc.org/documents/corruption/Publications/2017/Implementation\\_Guide\\_and\\_Evaluative\\_Framework\\_for\\_Article\\_11\\_-\\_Russian.pdf](https://www.unodc.org/documents/corruption/Publications/2017/Implementation_Guide_and_Evaluative_Framework_for_Article_11_-_Russian.pdf).

<sup>7</sup> [http://www.consultant.ru/document/cons\\_doc\\_LAW\\_35868/24d87a7fd97b7524ee24d065d714dc1d4a8e6d86/](http://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_35868/24d87a7fd97b7524ee24d065d714dc1d4a8e6d86/).

<sup>8</sup> Закон Кыргызской Республики «Об органах судебной власти». Ст. 9.

<sup>9</sup> <https://lex.uz/docs/3822463>.

<sup>10</sup> <https://lex.uz/docs/4118080>.

<sup>11</sup> <https://lex.uz/docs/4643195#4647015>.

<sup>12</sup> Шершеневич Г.Ф. Избранное: В 6 т. Т. 4 включая Общую теорию права. – М.: Статут, 2016. С. 467-470.

<sup>13</sup> Чуряев А.В. Значение правовых принципов при осуществлении правосудия. Ж.: Судья. №9 (105) -2019. – С. 40-45.

<sup>14</sup> <https://lex.uz/docs/3517337>.

<sup>15</sup> <https://lex.uz/docs/3517337>.

<sup>16</sup> Стребкова Е.Г. Принцип транспарентности судебной власти: Конституционно-правовые вопросы. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата юридических наук. Саратов, 2012.

<sup>17</sup> <https://lex.uz/docs/5378966>.

## АБУ ЮСУФНИНГ «ХИРОЖ» АСАРИ – ИСЛОМ (ҲАНАФИЙЛИК МАЗҲАБИ) ҲУҚУҚИГА ОИД ИЛК ҲУҚУҚИЙ МАНБА

Миллий давлатчилигимизнинг тарихий-ҳуқуқий асосларини ташкил этувчи асарларни келажак авлодга етказиш ҳозирги давр олимлари, илмий жамоатчилигининг ҳар доимгидан ҳам муҳим вазифаси ҳисобланади. Ўн уч аср давомида қўллаб келинган ислом таълимотининг муҳим қисми ҳисобланган шариат ёки ислом ҳуқуқига оид ноёб манбалар XX асрда чуқур ўрганилмагани боис, тарихий жараёнларни баҳолашда тушунмовчиликларга, баъзан эса хато-камчиликларга йўл қўйилаётгани сир эмас. Президент Шавкат Мирзиёевнинг қуйидаги фикрини келтириш ўринли: «Буюк тарихда ҳеч нарса изсиз кетмайди. У халқларнинг қонида, тарихий хотирасида сақланади ва амалий ишларида намоён бўлади. Шунинг учун ҳам у қудратлидир. Тарихий меросни асраб-авайлаш, ўрганиш ва авлодлардан авлодларга қолдириш давлатимиз сиёсатининг энг муҳим устувор йўналишларидан биридир»<sup>1</sup>. Абу Юсуф (731-804)нинг «Хирож» асари, фикримизча, ислом ҳуқуқига доир дастлабки манба сифатида миллий ҳуқуқ тизимимизни тарихий жиҳатдан таҳлил қилишда муҳим аҳамият касб этади.

Маълумки, Абу Юсуф мазҳабимиз асосчиси Абу Ҳанифанинг шогирдлари қаторида Ҳанафий мазҳабини илмий-назарий ва амалий жиҳатдан ишлаб чиқишга улкан ҳисса қўшган олимлардан биридир. У дастлаб аббосий халифалар Маҳдий, Ҳодий (775-785) даврида Бағдод қозиси бўлиб ишлаган. Кейинчалик халифа Ҳорун ар-Рашид даврида (786-809) эса «қози ул-қуззот» мансабини эгаллаб, халифаликдаги барча қозиларни тайинлаш ҳамда қозилар устидан тушган шикоятларни ҳал этиш ваколатига эга бўл-

ган қозилик тузилмаси энг юқори поғонасига раҳбар этиб тайинланган. Юксак лавозимни эгаллаган ва давлат раҳбари ишончига сазовор бўлган Абу Юсуф, биринчидан, Ҳанафий мазҳабининг қонун-қоидаларини ишлаб чиқишда бевосита фаол иштирок этган. Иккинчидан, давлат сиёсатини ўша давр талаблари даражасида йўналтириш бўйича давлат раҳбарларига (халифаларга) йўл-йўриқ кўрсатишда ислом таълимотига таянган, айниқса, давлат бошқаруви, ижро ҳокимиятини ташкил этишда адолат тамойили устиворлигига эътибор қаратган. Учинчидан, ҳокимият тармоқларида қозилик маҳкамасининг ташкилий-ҳуқуқий жиҳатдан мустақамланишида айнан Ҳанафий мазҳаби қонун-қоидалари янада барқарор ўрин эгаллаши учун бор куч-ғайратини сарфлаган ва бунда барча имкониятлар яратилишини кўзлаган. Ибн Халдун (1332-1406) фикрича, Ҳанафий мазҳабининг кўпроқ ёйилишига Абу Юсуфнинг халифа Ҳорун ар-Рашид даврида қози ул-қуззот – қозилар қозиси ёки қозикалон лавозимида узоқ муддат фаолият юритгани сабаб бўлган<sup>2</sup>. Умуман олганда, Абу Ҳанифа (р.а.)нинг катта шогирдларидан ўн тўрт нафари қози ул-қуззот ва оддий қози бўлганларидан бу мазҳаб кенг тарқалган. Абу Юсуф томонидан ёзилган қуйидаги, яъни «Ёдгорликлар ёки Осор китоби» («Китобул осор»); «Абу Ҳанифа ва Абу Лайло орасидаги ихтилофлар» («Ихтилофу Абу Ҳанифа ва ибн Лайло»); «Хирож» («Ал-Харож»); «Авзойнинг ас-Сияр китобига раддиялар» («Ар-Радду ала сиярул Авзой»)<sup>3</sup> китоблари бизгача етиб келгани манбаларда қайд этилган.

«Хирож» асари билан танишиб, юридик масалаларга оид жиҳатларини таҳлил қилиш

асносида мазкур ҳуқуққа оид манба халифа Ҳорун ар-Рашиднинг таклифига, аниқроғи, топшириғига биноан Абу Юсуф томонидан ёзилганига ҳеч шубҳасиз ишонч ҳосил қиламиз.

Шуни алоҳида эътироф этиш ўринлики, «Хирож» асари Ҳанафий мазҳабида тайёрланган дастлабки ҳуқуқий манбалар сирасига киради. Ушбу асар кейинги авлодлар томонидан доимо ўрганилиб келинган. Хусусан, қонунларни яратишда, жумладан, Ўзбекистоннинг ислом ҳуқуқи билан боғлиқ давлатчилик тарихи (хонликлар ёки амирлик)нинг барча даврларида олимлар «Хирож»ни чуқур ўрганиб ўз асарларига иқтибос келтирган ҳолда, жамиятни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишда фойдаланганлар, дейишга тўлиқ ҳақлимиз. Шунинг учун ҳам мазкур асар ўн тўрт асрдан ортиқ давр мобайнида олимлар орасида ушбу йўналишдаги биринчи ҳуқуқий манба сифатида қўлдан-қўлга ўтиб келаётгани баробарида Ўзбекистоннинг замонавий ҳуқуқ тизимини ривожлантиришда ҳам ўзига хос ўрин тутади, деб ҳисоблаймиз. Фикримизча, мазкур асар ҳозирги пайтда ҳам тадқиқотчиларнинг ислом ҳуқуқи, айниқса, шариатда жиноят ва жазо масалаларини чуқурроқ таҳлил қилишида илмий-назарий жиҳатдан қўл келади. Зеро, «Хирож»да давлат томонидан солиқ сиёсатини амалга ошириш, жамиятда тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш, жумладан, кўп миллатли макон ва замонда динлараро бағрикенгликка эришиш, хорижий давлатлар билан ташқи сиёсат борасидаги келишувчанлик, чегарадош давлатларни боғловчи дарёлардан умумий манфаат нуқтаи назаридан ёки ички сув омборлари ҳавзаларидаги сувдан оқилона фойдаланиш тартиб-таомиллари, ер муносабатлари, жумладан, ўзлаштирилган ёки ўзлаштирилмаган ерларнинг ҳуқуқий ҳолати, турли ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, айниқса, жиноятчиликка қарши курашиш масалалари, салбий ҳолатларнинг олдини олиш, жазолашдан асосий мақсад жамиятдаги ҳар қандай кўринишдаги ахлоқсизликларга йўл бермаслик, зарур ҳолларда эса, уларни бартараф этиш чора-тадбирларини

ишлаб чиқиш, жамиятда инсон ҳуқуқларининг адолат ва тенглик принципи асосида амалга оширилишини таъминлашга қаратилган ижобий ғоялар, ҳуқуқий қарашлар, хулосалар, қонун-қоидалар акс эттирилгани эътиборни ўзига жалб этади.

Мазкур китобнинг номидан ҳам маълумки, муаллиф дастлаб ўша асрда ислом ҳуқуқи асосида бошқарилган давлатда солиқ сиёсатини ташкил этишга эътибор қаратиб, солиқ юқини соддалаштириш ёки енгиллаштириш, айниқса, солиқ тури ва миқдорини белгилашда асосий икки ҳуқуқий манба – Қуръони Карим ҳамда Суннага таяниш шарт эканини таъкидлаган. Шунингдек, давлатда яшовчи барча аҳолига солиқ миқдорини бир хил миқдорда белгиламасдан табақалаштирилган ҳолда жорий этиш заруратига урғу берган. Солиқ турларининг ўзига хос жиҳатларини ҳам эътибордан четда қолдирмаслик лозимлигини таъкидлаган. Бунда, энг муҳими, аҳолининг яшаш шароити, даромади, ва албатта, ҳаётининг эҳтиёжи муҳим аҳамиятга эга, деб ҳисоблаган. Абу Юсуфнинг фикрига кўра, солиқ миқдорининг ҳаддан ортиқлиги солиқ тўловчи аҳолининг давлат бошқарув тузилмалари фаолиятдан норозилигига сабаб бўлиши мумкин.

Манба ички тузилиши жиҳатидан 37 бобга ажратилган. Боблар, ўз навбатида, параграфлар ёки мавзуларга бўлинган. Асарнинг аҳамиятли жиҳатларидан бири шундаки, далил (хужжат) сифатида келтирилган пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) томонидан асос солинган ислом давлатининг илк давридан то Аббосий халифалик, яъни Ҳорун ар-Рашид давригача бўлган тарихий-ҳуқуқий жараёнлар билан боғлиқ ривоятлар муаллифнинг фикр-мулоҳазалари ва хулосалари билан асосланган. Мазкур китобнинг яна бир илмий-назарий муҳим жиҳати жамиятда осойишталик ва хавфсизлик таъминланиши учун солиқ сиёсати адолат принципи асосида амалга оширилиши зарур деб қаралганидир. Жамиятда барқарорлик ҳукм суриши учун аҳоли, айниқса, бошқа дин вакиллари солиқ тўловчи субъект сифатида халифаликка жузъя солиғини тўлагани боис, уларга нисба-



тан зулм, зўравонликка йўл қўйилмаслиги, яъни улар қонун йўли билан ҳимояланиб, тинч-хотиржам яшашига ҳокимият тузилмалари масъул экани алоҳида таъкидланган. Бу давлат сиёсатида ижтимоий адолат принципи чуқур илдиз отишига олиб келади. Бунда, солиқ турлари закот (ибодат тури)дан фарқ қилишига оид масалалар ҳам эътиборни жалб этади. Муаллифнинг фикрича, солиқ сиёсатини амалга оширувчи, мансабдор шахсларни лавозимига тайинлашда, аввало, уларнинг ахлоқ-одобига ҳамда ҳар бирининг мазкур соҳа бўйича етарли билим, кўникмага эга эканига эътибор берилиши, шунингдек ишчанлик қобилияти ошиб бориши учун имконият яратилиши, муҳими уларга давлат хазинасидан етарлича маош тайинланиши, солиқ тузилмаларида порахўрлик, коррупция каби иллатлар урчимаслигининг олдини олиш чоралари кўрилиб борилиши муҳим аҳамиятга эга экани очиқ-ойдин баён этилган.

Бундан ташқари, табиий сув манбалари, дарё, ариқ, сув ҳавзаларидаги сувдан бепул фойдаланиш, қазилма бойлик, дарахтзор, яйлов ва ишлов берилмаган ерларни аҳолига бўлиб бериш, ердан фойдаланувчилар эса, ерини ижара шартномаси асосида бошқа шахсларга бериб, даромад манбаига эга бўлиши, ердан самарали, оқилона фойдаланиш муҳим экани, умуман олганда жамиятда инсонлар ўртасидаги ижтимоий муносабатларни тартибга солишда давлат томонидан ишлаб чиқилган қонун-қоида асосий ўрин эгаллаши, жамиятни тизимли тарзда бошқаришда давлат ҳокимиятининг таъсири ва ўрни муҳим экани, бунда давлат раҳбарининг давлат сиёсатида «аҳли сунна вал жамоа», яъни жамоатчиликнинг давлат сиёсатини йўналтиришдаги иштироки нуқтаи назаридан ёндашув зарурлиги, шунинг учун жамиятдаги турли оқим, фирқаларга ўрин бермаслик ва экстремистик кайфиятдаги бузғунчи кучлар аниқланганда эса, уларга нисбатан қонунда белгиланган чораларни қўллаш мақсадга мувофиқлиги тўғрисида ҳам фикр-мулоҳазалар билдирилган.

«Хирож»нинг 33-боби «Ахлоқсизлик, ўғрилик билан шуғулланадиган кимсалар ва

жиноятларга бериладиган жазолар» деб номланган бўлиб, унда гумон қилинувчи дастлабки қамоқхонада сақланганда унга нисбатан қийноқ қўлланилмаслиги, куч ишлатиб ундан иқдорлик кўрсатувлари олинмаслиги, кўрсатувлар олинган тақдирда жиноят ишини ҳал этишда қийноқ, куч ишлатиб жиноятни исботлашга эришилгани учун гумон қилувчини жазоламаслик каби, шунингдек маҳкумларнинг қамоқхоналарда бўлгани билан боғлиқ даврдаги барча сарф-харажатлар давлат хазинасидан ажратилиши, жиноят учун жавобгарлик муқаррарлиги, шубҳали ҳолатларда оғир турдаги жазоларни қўлламастан уларга нисбатан янада енгилроқ жазони қўллаш, жиноят натижасида етказилган зарарни айбдордан ташқари унинг қариндошлари ёки оқиллари томонидан ҳам тўланиши, муҳими қози ёки имом томонидан тайинланган жазонинг ўз вақтида ижро этирилишига эришиш, жазолашдан мақсад, авваламбор, жиноятчининг бундан кейин бошқа жиноятга қўл урмаслиги ҳамда жазоланиши мумкинлигидан хабар топган бошқа кишиларнинг эса бундан ибрат олиб жиноят содир этмаслиги ҳақида огоҳлантириш эканини англашлари, қозилик амалиётида коррупциянинг ҳар қандай кўринишига йўл қўймаслик учун улар фаолиятини назорат қилувчи (хат-хабар берувчи) тузилмалар ташкил этиш, ва ниҳоят, қозиларга давлат хазинасидан етарли миқдорда маош берилиши ва бошқа ҳуқуққа оид масалалар батафсил ёритилган.

«Хирож»нинг илмий-назарий аҳамияти ниҳоятда бой ва қимматлидир. Сабаби, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси муқаддимасида Конституцияни қабул қилишдан кўзланган мақсадлардан бири «миллий давлатчилигимизнинг бой тарихий тажрибасига таяниш» эканлиги айтилган. Демак, ҳуқуқ тарихида муҳим аҳамиятга эга бўлган Абу Юсуфнинг «Хирож» асарини ўрганиш давлатчилигимизга оид тарихий ҳақиқатни англашга ёрдам беради. Дарҳақиқат, ислом ҳуқуқи билан боғлиқ ўтмиш давлатчилигимизнинг барча даврларида, жумладан, буюк Амир Темур давлатида ҳам мазкур асар қўл келгани инкор

этилмайди, деб ўйлаймиз.

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, Абу Юсуф томонидан «Хирож»да баён этилган давлатчилик тарихимизнинг яхлит кўриниши ҳисобланган ҳуқуққа оид хулоса-ю тавсиялар, фикр-мулоҳазалар, қонун-қоида тарзида қўлланилган ҳадислар, саҳобалар томонидан келтирилган давлатни бошқариш билан боғлиқ ривоятларнинг барчаси ҳозирги давр давлатчилигининг ҳуқуқ соҳаси ёки тармоқларига тўлиқ мос келади ва муҳим аҳамиятга эга, деган фикрдан йироқмиз. Қолаверса, бугунги глобаллашув жараёнида ҳуқуқий давлат куриш концепциясига устуворлик берилган. Аммо, Ўзбекистон дунёвий давлатчиликка мос демократик принципларга асосланган қонунларни ишлаб чиқишда юқорида қайд этганимиздек, «миллий давлатчилигимизнинг бой ҳуқуқий тажрибасига таяниш»ини унутмасдан «Хирож» каби манбалардаги ҳозир ҳам муҳим аҳамиятга эга ислом ҳуқуқи (шариат) билан боғлиқ қонун-қоидаларни чуқурроқ ўрганиш аҳамиятли эканини таъкидлаш жоиз, деб биламиз. Зеро, мазкур тарихий манбанинг кўпгина жиҳати миллий ўзлигимизни англашга, тарихий ҳақиқатни очик-ойдин тан олишга кўмаклашиш баробарида ҳозирги ва эртанги тараққиётимизни хато-камчиликсиз, қонунийлик ва адолат принципи асосида яратилишига ҳисса қўшиши шубҳасиздир.

Шуни унутмаслик даркорки, инсоният тараққиётидаги тарихий-ҳуқуқий давлатчиликнинг барча босқичларида бир ижтимоий-иқтисодий тузумдан янгисига ўтилганда эскисидаги барча тартиб-таомиллар, қонунлар кўр-кўрона кўчирилмаган, жамият тараққиётига фақат ижобий таъсир кўрсатаётган қонун-қоидалар, ғоялар, концепцияларгина янгидан ташкил этилиши мўлжалланган давлатнинг пойдевори ҳисобланади. Эски ва қолоқ, яъни турғунликка сабаб бўлган моҳиятан жамиятнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий-маънавий ривожига салбий таъсир этиб, тараққиётга тўсиқ бўлган салбий қарашлар, қонун-қоидалардан имкон қадар тезроқ воз кечиш, қутулиш чораларини

кўриш зарурати туғилади. Ўзбекистон мисолида таҳлил қиладиган бўлсак, Собиқ Иттифокнинг «дин халқ учун афюн»дир деган ислом динининг жамият маънавиятидаги ўрни, инсон эътиқоди шаклланишига таъсирини йўққа чиқарган тартиб-таомиллардан воз кечиб, миллий ўзини ўзи англаш, тарихий ҳақиқатни тиклаш, соф ислом ҳуқуқи моҳиятини миллий қадрият даражасига кўтарилишига эришиш учун қатор ислоҳотлар амалга оширилди. Айниқса, охириги уч-тўрт йил ичида диний муносабатлар жамиятда чуқур илдиз отишини таъминлаш борасидаги ислоҳотлар бу йўналишдаги давлат сиёсати-га туб бурилиш ясади, десак хато қилмаган бўламиз.

«Хирож» асарини бошлашда муаллиф «Буни – Абу Юсуф мўминлар амири Ҳорун ар-Рашид учун ёзди», деб таъкидлаган. Фикримизча, мазкур асарда давлатни бошқаришда ижро ҳокимиятининг нуфузи ва ўрнига оид ҳуқуқий масалалар чуқур ва мукамал таҳлил қилинган ҳолда ўша давр амалиётида йўл кўйилган хато-камчиликларни бартараф этиш мақсадида ҳамда шариат асосида жамиятни хавфсиз ва барқарор ривожлантириш йўл-йўриқларини ўз ичига олади. Асарда муҳокамага тортилган ҳуқуққа оид масалалар хилма-хил ва жуда кўп. Муаллиф ҳар бир бобнинг бошланиш қисмида ҳукмдорга «Бу нарса ҳақида сўраган эдинг ёки фалон масалага илгари халифалар қандай ечим топган, деб сўрагансан», каби саволларга жавоб излаётганини эътироф этган. Абу Юсуф ҳар қандай масалага ёки муаммога жавобларни ислом ҳуқуқининг (фикҳ) асосий манбалари – Қуръони Карим ёки пайғамбар (с.а.в.)нинг суннатлари асосида ёхуд дастлабки тўрт халифа ёинки улардан кейинги энг нуфузли халифалар томонидан қўлланилган шариат қоидаларини асос қилиб келтирган ҳолда давлатда ижтимоий муносабатларнинг ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиниши йўл-йўриқларини кўрсатган. У хулоса ва таклифларини баён қилишда ўзининг субъектив қарашларини батафсил баён қилиш орқали ўша даврдаги ҳуқуққа оид масалаларга аниқ ва лўнда жавоб бера олган.

«Хирож»да Абу Юсуф томонидан алоҳида мавзу сифатида ўрганилган қоидалар, тартиб-таомиллар юзасидан қуйидаги хулосага келишни ўринли деб ҳисоблаймиз.

*Биринчидан*, ислом жиноят ҳуқуқида барча жиноятлар ижтимоий хавфли хусусияти ва даражасига кўра уч тоифага бўлинади. Биринчи гуруҳга – Қуръони Каримда аниқ жазо белгиланган ҳад жазо туридаги жиноятлар, жумладан зино, зинокор деб тухмат қилиш, ўғирлик, маст қилувчи ичимликларни истеъмол қилиш (хамр ёки шароб), исён, ширк каби. Иккинчи гуруҳга эса – қасос ёки арш, дия (товон, хун) каби жиноятлар, яъни инсонни қасддан ёки эҳтиётсизлик (беқасд) натижасида ўлдиришнинг турли кўринишлари, шунингдек киши танасининг турли қисмларига қасддан ёки эҳтиётсизлик билан жароҳат етказиш. Учунчиси – жазоси имом ёки қозининг ихтиёрига бўлган бошқа жиноятлар, масалан, шубҳали ҳолларда ҳаддан воз кечиб ибрат учун жазолаш, порахўрлик, судхўрлик, фирибгарлик, ёлгон гувоҳлик бериш, мулкка зарар етказиш билан боғлиқ жиноятлар ва ҳоказолар киради.

*Иккинчидан*, Абу Юсуфгача ва у яшаган даврда ҳам жиноятларни тавсифлаш ва жазо белгилашда такроран жиноят содир этиш ёки инсон танасининг турли қисмларига қасддан ёки эҳтиётсизлик оқибатида жароҳат етказишда жароҳатнинг оғир енгиллигини ҳисобга олиш, айбнинг шакли (қасд ёки беқасд яъни эҳтиётсизлик), жиноят ишини маҳкамада ўз вақтида кўриб чиқишга эътибор бериш, ва ниҳоят, жазони ижро этишда суиистеъмолчилик ва бепарволикка йўл қўймаслик каби муаммоларга ҳуқуқий ечим топишда давлат бошлиғининг ниҳоятда эътиборли бўлиши кабилар ҳозирги кунда ҳам аҳамиятли эканига ишонч ҳосил қилдик.

*Учинчидан*, «Хирож» асари муаллифнинг ўзи қозилик тизимини бошқарган, бевосита

амалиётда жиноят ишлари ҳамда фуқаролик ёхуд иктисодий ишларни кўриш жараёнида назоратни амалга оширган мансабдор шахс, давлат арбоби эканига урғу берадиган бўлсак, ўз даврининг энг юксак даражадаги олими ва раҳбари сифатида ҳар бир жиноят ишини синчковлик билан, ҳар томонлама, холис ва батафсил ҳал этилиши тарафдори эканлиги яққол кўринади.

*Тўртинчидан*, «Хирож» асарининг моҳияти жуда чуқур, ҳозир ҳам ҳуқуқ соҳаларига оид кўплаб аҳамиятли масалаларни ечимини излашга қўл келади. Фикримизча, мазкур ҳуқуқий манба алоҳида тадқиқот объекти сифатида юридик соҳада изланишлар олиб боровчи олимлар томонидан янада чуқур ва мукаммал ўрганилиши зарур. Мазкур манба нафақат Ўзбекистоннинг давлат ва ҳуқуқ тарихи фанига оид қимматли маълумотларга эга эканлиги билан аҳамиятли, балки фуқаролик ҳуқуқи фанидан алоҳида тармоқ тарзида ажралиб чиққан ва фуқаролик ҳуқуқи фани билан мустаҳкам алоқада, бевосита боғлиқ бўлган қатор ҳуқуқга оид фанлар, масалан, ер ҳуқуқи, халқаро ҳуқуқ, оммавий ёки хусусий ҳуқуқ, сувдан фойдаланиш ҳуқуқи, солиқ ҳуқуқи, бюджет ҳуқуқи, жиноят ҳуқуқи, жиноят процесси, жиноят ижроия ҳуқуқи ва бошқалар ривожига ўзак бўлган ўтмишда ва ҳозирда ҳам аҳамиятга эга қоидаларни ўзида мужассам этганлиги билан олимлар эътиборини тортади.

*Бешинчидан*, изланишлар натижаси эса, «Хирож» асари ислом ҳуқуқида ундан кейин ёзилган ҳар бир илмий-назарий ва амалий кўлланмалар ва улар асосида қабул қилинган қонунларнинг яратилишида асосий таянч вазифасини бажаргани шубҳасиздир.

**М. РАЖАБОВА,**  
юрidik фанлар доктори,  
профессор

<sup>1</sup> Ҳамидулла Аминов, Соатмурод Примов. «Ҳанафий фикҳи тарихи, манбалари ва истилоҳлари», Т.: 6 «Мовароуннаҳр», 2017, 55-б.

<sup>2</sup> Ҳамидулла Аминов, Соатмурод Примов. «Ҳанафий фикҳи тарихи, манбалари ва истилоҳлари», Т.: «Мовароуннаҳр», 2017, 44-б.

## «ЕР САВДОГАРЛАРИ»НИНГ ҚИЛМИШЛАРИ

Инсонлар ўзаро муомала қилар экан, улар орасида турли хил муносабатлар ўрнатилади. Ҳаётда айримлар соф, ҳалол йўл билан фақат ўз ҳақиға қўл узатган ҳолда кун кўрса, айримлар бошқаларнинг соддалиги, ишонувчанлигини суиистеъмол қилади. Бундайларни жамиятда фирибгарлар, товламачилар дейдилар. Фирибгарлик жинояти жамиятдаги ижтимоий жиҳатдан энг хавфли жиноятлардан бири, чунки одам ўлдирган, ҳужжатлар билан боғлиқ жиноят қилган, ўғирлик қилган, жанжал кўтарган, жамоат тартибини бузган шахслар бу қилмишларини бошқа такрорламаслик эҳтимоли катта, аммо фирибгарлик билан бировнинг ҳақини ўзиникидек ишонтириб ўзлаштирган шахс бу ишни қайта-қайта такрорлайверади. Токи кўзаси синмагунча...

Статистик маълумотлар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, 2020 йилнинг 6 оyi давомида Тошкент вилояти судлари томонидан 264 та шахсга нисбатан 222 та фирибгарликка оид жиноят иши кўриб чиқилган бўлса, 2021 йилнинг 6 оyi давомида 524 та шахсга нисбатан 387 та шундай жиноят иши кўриб чиқилган. Шунингдек, жиноят иши бўйича Янгийўл шаҳар суди томонидан 2020 йилнинг 6 оyi давомида 9 та шахсга нисбатан 5 та жиноят иши, 2021 йилнинг 6 оyi давомида эса, 22 та шахсга нисбатан 10 та жиноят иши кўриб чиқилган. Бундан кўришиб турибдики, жорий йилнинг олти оyi давомида содир этилган фирибгарликка оид жиноятлар ўтган йилнинг мазкур даврига нисбатан икки баробар кўпайган.

Мисол учун, янгийўллик Азизбек Қудратов (исм-фамилиялар ўзгартирилган) шундай осон пул топиш йўлига ўтиб, бир хил жиноятни йиллаб такрор-такрор содир қилди. У Қуанич Темировнинг ишончига кириб, гўёки Янгийўл туманида ишлайдиган кадастрчи таниши борлигини, уни бевосита моддий манфаатдор қилиш орқали Янгийўл туманидаги бир уйнинг кадастр ҳужжатини қилдириб беришга ваъда бериб, жами 4 500 000 сўм пулларини алдов йўли билан қўлга киритиб, ўз эҳтиёжига сарфлаб юборди.

Бир муддат ўтиб, А. Қудратов уйига меҳмонга келган Наманган вилоятида яшовчи қариндоши Мафтунахон Турғунованинг ер олиш нияти борлигини эшитиб, яна фикри бузилди. Унга Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси Янгийўл туман филиалида ишлашини айтиб, жами 8 000 АҚШ доллари эвазига туман ҳудудидан шаҳарга яқин жойдан уй-жой қуриши учун ер майдони олиб беришга ва кадастр ҳужжатларини расмийлаштиришга ёрдамлашишга ваъда берди. Унинг гапига лаққа тушган М. Турғунова 1400 АҚШ долларини бериб, қолганини биров орқали бериб юборишини айтди. Вақт ўтиб, М. Турғунова Азизбекнинг талаби билан такси орқали унга 100 АҚШ доллари ва 250 000 сўм пул юборди. Азизбек эса, бу пулларни ҳам ўз эҳтиёжига сарфлади.

Бу пулларни ҳам жиғилдонига ургач, Азизбекнинг миясида янги «ғоя»лар пайдо бўлди. Таниши Сурайёга ўзига ҳеч бир алоқаси бўлмаган, Янгийўл туманидаги Ғайрат Қаршиев исмли фуқарога

тегишли уйни кўрсатиб, гўёки ушбу уй сотилишини айтди. Унга уйни олиб беришга ваъда бериб, жами 7 000 000 сўм миқдоридаги пулларини алдов йўли билан олди. Вақт ўтиб Сурайё уйни талаб қила бошлагач, тумандаги ширкат хўжалигининг қалбаки йиғилиш қароридан кўчирмани олиб, қарорга кўра, гўёки Сурайё ушбу ширкат хўжалигида хизматчи вазифасида ишлаганлиги, ширкат томонидан иккита 8 сотихдан жами 0,16 га ер майдони берилганлиги ҳақида сохта маълумотлар киритиб, уни Мақсудовага берди ва қўлга киритган жами 7 000 000 сўм пул маблағларини ўзининг шахсий эҳтиёжи учун ишлатди.

Кўр кўрни қоронғуда топади деганларидек, А. Қудратов ўзига шерик ҳам топди. Азизбек асли қозоқ миллатига мансуб бўлган, илгари икки марта судланган Талғат Махсетов билан хужжатларни қалбакилаштириб, Махсетов томонидан ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган Янгийўл тумани ҳудудида жойлашган давлат тасарруфидаги қишлоқ хўжалигига мўлжалланган 0,21 га ер майдонига мижоз топишни ўз зиммасига олди. Таниши Қобилжон Содиковга шу ер майдонини кўрсатиб, гўёки ушбу ер майдони танишига тегишли эканлигини, хужжатлари борлигини, 13 000 АҚШ долларига сотилишини айтиб, кадастр хужжатларини қилиб беришга ваъда берди. Қобилжоннинг ишончига кириб, жами 6 250 АҚШ долларини олиб, 3 500 АҚШ долларини Махсетовга берди. Қолган пулларни ўзига олди.

Шериклар жиноий ҳаракатларини ёпиш мақсадида, худди аввалгидек ширкат хўжалигидаги бир қанча хужжатларни сохталаштириб, йиғилиш қароридан кўчирмаларни қалбакилаштириб, уларга сохта маълумотлар киритиб, бошқа шахс фойдаланиши мақсадида муайян ҳуқуқ берадиган ширкат қарорларини Қобилжон Содиковга беришди. Бу фирибгарлиги

камлик қилгандек, Азизбек Қобилжондан 1 500 000 сўмлик 1 000 дона шлакаблок ғиштларини ҳам фирибгарлик йўли билан қўлга киритиб, пулини бермасдан алдаб кетди.

Нафси ҳакалак отган жиноий шериклар ёнларига яна бир товламачи – Отабой Жўраевни ҳам кўшишди. Улар биргаликда давлат тасарруфидаги қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер майдонларини фуқароларга сотишни режа қилишди. Янгийўл туманида яшовчи Ўринбой Бекмирзаевга гўёки Талғат Махсетовга тегишли бўлган, асли қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер майдони ҳисобланган 0,10 га ер майдонини сотаётганлигини айтиб, унга ўша ер майдонини олиб беришга ва кадастр хужжатини қилиб беришга ваъда беришди. Шундай қилиб Бекмирзаевдан Азизбек Қудратов 1 000 АҚШ доллари, Отабой Жўраев 1 000 АҚШ доллари ҳамда Талғат Махсетов 800 АҚШ долларини қўлга киритишди.

Бироз вақт ўтиб, бундай осон пул топишдан Махсетовнинг баттар иштаҳаси очилди. У таниши Баҳромга ўзи яшаётган уйи ёнидаги жами 0,21 га ер майдонини кўрсатиб, гўёки ушбу ер майдони ўзига тегишли эканлигини, хужжати борлигини, 15 000 АҚШ долларига сотишини айтиб, кадастр хужжатини қилиб беришга ваъда бериб, Баҳромдан 13 500 АҚШ долларини осонгина ўзлаштирди. Бундан ташқари, Баҳромга шу тумандаги давлат тасарруфида бўлган, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган 0,02 га ер майдонини уй қуриши учун берди. Оқибатда Баҳром бу ерда қурилиш қилиб, анчагина моддий зарар кўрди.

Албатта, ҳар қандай жиноят ва товламачиликнинг ҳам охири бор. Йиллар давомида фирибгарлик билан шуғулланиб, кўпчилик фуқароларнинг чув тушишларига сабабчи бўлган бу «учлик» ҳам ўз

жиноятларига яраша жазо олишди. Суд жиноятчиларга нисбатан қонунга мувофиқ жазо тайинлади. Азизбек Қудратовга 6 йил, Талғат Махсетовга 6 йил-у 3 ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси, Отабой Жўраевга эса, 2 йиллик ахлоқ тузатиш ишлари тайинланди. Шунингдек, жабрланувчиларга етказилган моддий зарарларни судланувчилардан ундириш белгиланди.

Шу ерда эътибор берилиши лозим бўлган бир жиҳат бор, алданган фуқаролар фирибгарларга пулларни ўз қўллари билан топширганлар. Маълумки, Жиноят кодексининг 168-моддасига кўра, ўзгани алдаш ёки унинг ишончини суиистеъмол қилган ҳолда унинг мулкини ёки мулкига бўлган ҳуқуқини қўлга киритиш фирибгарлик ҳисобланади. Фирибгарликнинг бошқа мулкӣ жиноятлардан фарқи – фирибгарликда жабрланганлар мол-мулкини, мол-мулкка бўлган ҳуқуқини ўз хоҳиши билан топширади. Фуқаролар маблағларини ўзлари олиб келиб берган бўлса-да, фирибгарга жазо тайинланади.

Фирибгар томонидан сохта маълумотлар жуда хилма-хил бўлиши мумкин. Баъзи ҳолларда улар жиноятчининг шахси, унинг ҳуқуқлари ва ваколатлари билан боғлиқ, бошқаларида эса, ҳуқуқий фактлар, воқеалар ва бошқалар билан боғлиқ. Ёлғон оғзаки, ёзма ёки бошқа ҳар қандай шаклда кўрсатилиши мумкин. Фирибгарлик усули сифатида ишончни суиистеъмол

қилиш одатда жиноятчининг махсус ваколатлари мол-мулкини тортиб олишда ёки мулк жойлашган жойдаги ёки унинг ҳимояси остидаги шахс билан шахсий ишонч муносабатларида ўзини намоён қилади.

Фуқаролар нима учун пулларини ўз қўллари билан олиб келиб берадилар? Улар енгил бойиб кетиш, мулкка эгалик қилиш мақсадида шундай ҳаракатларни содир этишади.

Алданган фуқароларнинг айби, мақсадга қандай бўлмасин эришиш ҳамда ҳаддан ортиқ ишонувчанликлари ва мавжуд маълумотни текшириб кўрмаслиги, бирор ҳуқуқшунос билан маслаҳатлашмаслигидир.

Албатта, фирибгарларнинг ҳеч бири қилмишини тан олмайди, ўзини фирибгар деб атамайди, аксинча, мақсади одамларга ёрдам бериш бўлганини таъкидлашади. Фирибгарлар тузоғига тушмасликнинг ягона йўли эса, ақл-заковатни ишга солиш, осон пул топиш йўлига ўтмаслик, ҳалолликни юқори ўринга қўйиш, ва албатта, ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларимизни яхши билишимиздир.

**Қ. ИСАРОВ,**  
жиноят ишлари бўйича  
Янгийўл шаҳар суди раиси,

**М. ВОРИСОВА,**  
журналист

\* \* \*

*Инсоний фазилатлар бегона бўлган, она диёр қисматиға, яқин кишилари тақдирига совуққонлик билан қараган одамдан хавфлироқ кимса йўқ.*

**М.Е.Салтиков-Шедрин**

\* \* \*

*Бизни буюк миллат қиладиган нарса бойлигимиз эмас, балким ундан қандай фойдаланаётганимиздир.*

**Теодор Рузвельт**